

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

МУЛЛАЖОНОВ РАСУЛЖОН

**ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРИДА ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЙИРИНГЛИ
АРТРИТЛАРНИ ДАВОЛАШДА ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРНИ
ҚЎЛЛАШ**

Мутахассислик: 5А 640102«Ветеринария жарроҳлиги»

ДИССЕРТАЦИЯ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАГИСТРИ АКАДЕМИК ДАРАЖАСИНИ
ОЛИШ УЧУН**

**Диссертация иши: «Хайвонлар
анатомияси, физиологияси,
жарроҳлиги ва фармакология»
кафедрасида муҳокама қилинди
ва ҳимоя қилишга рухсат этилди.**

**Илмий раҳбар: в.ф.н
доцент Ҳ.Б.Ниёзов**

САМАРҚАНД – 2013

МУНДАРИЖА

I. КИРИШ.....	3
II. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....	10
2.1. Ҳайвонларда туёқ ва туёқ бўғими касалликлари этиопатогенези, диагностикаси, даволаш ва олдини олиш.....	10
2.2. Ҳайвонлар бармоқларининг анатомо-топографик тузилиши.....	22
III. АСОСИЙ ҚИСМ.....	32
3.1. Илмий тадқиқот натижалари, таърифи ва таҳлили.....	32
3.2. Ҳайвонлар туёқларида операция ўтказиш усуллари.....	32
3.3. Қоракул кўйларда бўғимнинг йирингли яллигланишларини даволаш.....	36
3.3.1. Клиник кўрсаткичлар.....	36
3.3.2. Морфо-биокимёвий кўрсаткичлар.....	39
IV. Олинган натижалар таҳлили.....	49
V. Хулосалар.....	63
VI Ишлаб чиқаришга тавсиялар.....	64
VII. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	65
VIII.. Илова.....	69
IX. Интернет маълумотлари.....	70

I. КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини янада яхшироқ қондириш Давлатимиз аграр сиёсатининг жавҳалардан бири ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси 2006-йил 23-мартдаги “Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларда чорва молларни кўпайтиришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони. 2008 йил 21- апрельдаги “Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларда чорва моллар кўпайтиришни ривожлантиришни кучайтириш, ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори Республикамизда чорвачиликни хусусий мулкчилик асосида жадал ривожлантириш ва рентабелли соҳалардан бирига айлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, ички бозорни гўшт, сут каби ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор тўлдиришнинг муҳим омили сифатида ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда.

Шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг (2008, 21-апрел, ПҚ-842) “Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларда чорва моллар кўпайтиришни ривожлантиришни кучайтириш, ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорда таъкидланишича шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини янада кўпайтириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва даромадларини, гўшт- сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсишини ошириш, ҳамда, ички ишмол бозорининг тўлдиришини таъминлашнинг йўллари батафсил белгилаб берилган.

Республикамиз минтақасида кечаётган иқтисодий ислохотлар асосида янги мулкчиликда шаклланган типдаги хўжаликларни яратиш, бу хўжаликларни иқтисодий ва хусусий негизларини ишлаб чиқиш шу асосида аҳолини озиқ – овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш, маънавий – мавқуравий янги дунё қарашни шакллантириш катта аҳамият касб этади.

Фермер хўжаликлари ташкил этилганидан кейин, нафақат сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, балки ишлаб чиқиладиган маҳсулотлар таннархини пасайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда охириги йилларда коракўлчиликга катта эътибор берилмоқда улардан гўшт етиштиришда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Шунинг учун ҳам коракўл кўйлар сонини кўпайтириш ва уларни соғлом қилиб тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Аммо коракўл кўйлар ўртасида турли хилдаги инфекция, инвазия ва юқумсиз касалликлар кўп учраб, уларни ривожланишига ва маҳсулдорлигининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Шундай касалликлардан бири хирургик патологиялар ҳисобланади. Бу патология ичида коракўл кўйлар локомотор аппаратида учрайдиган сурункали яллиғланишлар кўп учраб хўжаликларга катта иқтисодий зарар етказмоқда. Бу касалликлар оқибатида коракўл кўйлар , тана вазни кескин камаяди ва улар эрта ҳисобдан чиқарилиб мажбурий сўйилишига ҳам сабаб бўлади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Асептик яллиғланиш жараёни турли хилдаги механик шикастланишлар натижасида ҳосил бўлиб, томирлар гиперемияси, улар ўтказувчанлигини ортиши билан намоён бўлиб, сероз ёки фибриноз экссудатнинг тўпланишига олиб келади (М. В. Плохотин, 1981).

Йирингли яллиғланиш жараёни турли хилдаги механик жароҳатлар натижасида микроорганизмларнинг жароҳатга тушиши, ривожланиши ва кўпайиши натижасида ҳосил бўлиб, томирлар гиперемияси, улар ўтказувчанлигини ортиши билан намоён бўлиб, йирингли ёки йирингли фибриноз экссудатнинг тўпланишига олиб келади (М. В. Плохотин ва бошқалар 1981). М. С. Борисовнинг (1991) маълумотларига кўра йиринг таркибида бўғимлар капсуласининг шикастланиши оқибатида нобуд бўлган микроорганизмларнинг бўлиши билан кечадиган йирингли жараёнлар қон томир реакциялари томирлардаги рецепторларининг қўзғалишига олиб

келади. Бундай жараёнлар эса, синовиал қобиклар ва уларнинг сурғичларида шишлар пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики бўғимларда учрайдиган йирингли яллиғланиш жараёнлари ҳам организмда кечаётган турли туман омилларга боғлиқ бўлади, шунинг учун ҳам биринчи навбатда организм резистентлигини кўтариш шу куннинг муаммоларидан бири ҳисобланади.

Шу туфайли бу мазкур ишимизда коракўл кўйлар ўртасида кўп учрайдиган йирингли бўғим яллиғланишларининг этиопатогенози, диагностикаси, даволаш ва олдини олишнинг самарали ва замонавий усулларини ишлаб чиқишни ўз олдимишга мақсад қилиб олдик.

1. Коракўл кўйлар оёқларининг туёқ бўғимида учрайдиган йирингли-некротик жараёнларни келтириб чиқарувчи омилларга қарши усулларни ишлаб чиқиш..

2. Коракўл кўйларнинг туёқ бўғимида учрайдиган йирингли-некротик жараёнларни қулай диагностик усулларини аниқлаш.

3. Туёқ бўғимида учрайдиган йирингли-некротик жараёнларни даволашни замонавий комплекс, яъни самарали ва замонавий усулларини яратиш ва ишлаб чиқишга тадбиқ қилиш.

Ишнинг назарий, амалий аҳамияти ва илмий янгиликлари. Мамлакатимизда чорвачиликга ихтисослашган шахсий фермер хўжаликлари кундан кунга кўпайиб, ҳукуматимиз томонидан берилаётган имтиёзлар ҳисобида ривожланиши, ветеринария мутахассислари олдига янги вазифаларни қўймоқда. Шахсий фермер хўжаликлари раҳбарлари ўзлари янги тартибда иш юритиб, айрим ветеринария чора–тадбирларини ўз вақтида ўтказишда анча қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Кўпчилик шахсий фермер хўжаликларида зоогигиеник қоидалар ва озиклантириш тартиби бузилиши оқибатида ҳайвонлар ўртасида турли хилдаги очик ва ёпиқ механик шикастланишлар келиб чиқмоқда. Бу эса хўжаликлардаги коракўл кўйларда йирингли-некротик бўғим касалликларининг келиб чиқишига

сабаб бўлмоқда ва оқибатда катта иқтисодий зарар етказмоқда. Бундай касалликлардан бири коракўл кўйлар туёқ бўғими йирингли-некротик яллиғланиш жараёнлари бўлиб, унинг оқибатида ҳайвонлар иш фаолияти ва маҳсулдорлигининг кескин пасайишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон чорвачилик соҳасида учрайдиган юқумсиз касалликларнинг салмоғи юқори эканлиги бир қанча олимлар томонидан таъкидланиб келинмоқда. Бу касалликларнинг аксарият кўпчилигининг келиб чиқиш сабаблари ноаниқлиги, ветеринария мутахасислари олдида жуда катта муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Кўпчилик фермер хўжаликлар ҳайвонларни нотўғри сақлаш у ердаги зоогигиеник талабларнинг тузилиши сезиларли даражада шикастланишларнинг ривожланишига сабаб бўлмоқда. Кўпчилик шикастланишларни келиб чиқишига жумладан бўғимлар паталогиясининг ривожланишига сабаб бўлувчи омилларга туёқларни нотўғри қирқиш, ҳайвонларни сақлаш, уларни нотўғри ташиш ҳамда етарли даражада озиклантирмаслик асосан коракўл кўйлар оёқларида тендинит, артрит ва артрозлар кузатилади, шунинг учун ҳам биз ушбу ишимизда коракўл кўйлар туёқ бўғимлари анатомо-топографик тузилиши, физиологик хусусиятлари, туёқ бўғимида йирингли патологик жараёнларининг ривожланишига сабаб бўладиган омиллар, патологик жараённинг патогенези, диагностикаси, даволаш ва олдини олиш чора тадбирларини ўрганиб, ҳайвонларни маҳсулдорлигини тиклашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат. Бунинг учун касалликни даволашда янги дори моддаларда фойдаланишни ва касалликни олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш бизнинг ишимизни мақсади ҳисобланади.

Илмий тадқиқот ишларининг манбалари ва услублари.

Илмий текширишлар ва тажрибалар Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, ветеринария, зоотехния ва қоракўлчилик факультетининг «Ҳайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида, институт ўқув тажриба марказида касал қоракўл кўйларида ва Республика шошилинич тез ёрдам маркази Самарқанд филиалининг «Лазер» марказида, вилоят марказий шифохонаси лабораторияларида ўтказилди.

Туёқ бугими флегмонаси билан касалланган қоракўл кўйлар ажратилиб, уларда қоннинг гематологик ва патологик жараённинг жойлашган жойи ва ўзгаришлари текширилди, уларни даволаш мақсадида Ультрабинафша нури билан нурлантирилган аутоқоннинг таъсирини таққослаб ўрганилди.

Бунинг учун ажратилган 6 бош ҳайвонлар 2 гуруҳга ажратилиб, уларга куйидаги муолажалар қўлланилди. (1-жадвал)

Тажриба схемаси

1-жадвал

№	Гуруҳлар	Ҳайвонлар сони	Даволаш муолажалари
1	1 гуруҳ Назорат	3	1. Анъанавий усуллар а) Оператив усул б) АСД-3 фракцияси ваннаси в) 0,5 % ли новокаин + гентамицин (бўғим ичига) г) 10 % ли глюкоза+витамин С+витамин В ₆ (вена қон томирига)
2	II гуруҳ Тажриба	3	1. Анъанавий усулларга қўшимча: Йирингдан тозаланганидан кейин а) Ультрабинафша нури билан нурлантирилган аутоқон 0,5 мл/кг+гентамицин тирик вазнига мускул орасига, жами 3 марта б) хондролон (бўғим ичига)

Бунда биринчи гуруҳ ҳайвонлари анъанавий усулларда яъни операция майдони тайёрланиб, оғриқсизлантирилди сўнгра пункция қилиниб ичидаги йирингли экссудат чиқарилиб кесилди. Жароҳат ичи фурацилиннинг 1: 5000

нисбатдаги илиқ эритмаси билан ювилди ва жароҳат атрофига 0,5 % ли новокаин ва гентамицин антибиотиғи бўғим ичига инъекция қилинди, сўнгра АСД-3 фракцияси дренаж сифатида жароҳатга қўйилди. Вена қон томирига 10 % ли глюкоза, витамин С ва витамин В₁₂ аралаштирилиб юборилди.

Иккинчи тажриба гуруҳи ҳайвонларида ҳам анъанавий даволаш усуллари қўлланилди. Фақат аутоқон ультрабинафша нури билан нурлантирилиб, ҳайвонларнинг мускул орасига 0,5 мл/кг тирик вазнига ва бўғим ичига хондролон дориси юборилди. Даволаш муолажаси ҳар 2 кунга 1 марта, жами 3 марта қўлланилди.

Тажрибадаги коракўл кўйлардан олинган қонга ультрабинафша нурлари билан ишлов беришда Н.Ш.Давлатов, Р.М.Таштемиров, Ю.Худоклинова, Ҳ.Б.Ниёзовлар томонидан тавсия этилган услубда нурлар тўлқин узунлиги 254 НМ бўлган ВРМ – 1 лампаси ўрнатилган БОП – 4 аппаратидадан фойдаланилди.

Коракўл кўйлардан олинган қонга нурлар билан ишлов бериш учун ҳажми 250 мл бўлган иккита тиббиёт бутиллари олиниб, улардан бири гепарин эритмаси ёрдамида стабиллаштирилган қон олинди.

Биринчи бутилдаги қонни иккинчи бутилга кварц шиша найчалар орқали ўтишида уларга нурлар билан ишлов берилди. Кварц трубалардан ўтаётган қоннинг тезлиги мурватчалар ёрдамида тўғриланиб, ультрабинафша нурлари билан ишлов беришда 0,83 мл/сонияни ташкил этди.

Икки гуруҳдаги ҳайвонлар бир хил шароитда сақланди ва озиклантирилди. Организмга ультрабинафша нурлари билан ишланган аутоқоннинг таъсирини таққослаб ўрганиш мақсадида тажрибадаги коракўл кўйлар тажрибаларнинг бошида ва аутоқон юборилгандан кейин 5 – 10 – 15 – 25 кунлари клиник текширишлардан ва улардан олинган қон намуналари морфо – биокимёвий кўрсаткичлари бўйича лаборатор текширишдан ўтказилди.

Ҳамма босқичдаги тажрибаларимизда қон таркибидаги эритроцитлар ва лейкоцитлар сони (Горяев санок тури ёрдамида), периферик қондан тайёрланган суртмаларда лейко формула, қондаги гемоглобин (Сали гемометри ёрдамида), оқсил фракциялар Олла – Маккорднинг нефелометрик усулида, С.А.Карпюк модификацияси, 1962) ёрдамида аниқланди.

Ишларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда олди олинган зарар, ветеринария тадбирлари учун харажатлар ва харажатлар қоплами клиник ва лаборатория текширишларда инобатга олинди.

II. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

2.1. Ҳайвонларда туёқ ва туёқ бўғими касалликлари этиопатогенези, диагностикаси, даволаш ва олдини олиш. Механик жароҳатланишлар ва бошқа хирургик касалликлар пайтидаги асоратларнинг олдини олишда биринчи профилактик даволашнинг аҳамияти катта.

К.И.Шакаловнинг (1981) таъкидлашича, жароҳатланган ҳайвонга ўз вақтида дастлабки даволаш ёрдами кўрсатилиши лозим. Яъни урилишларда тезлик билан совуқ қўллаш ва босимли боғлам қўйиш орқали гемолимфозекстровазатларнинг, яллиғланишли экссудатнинг тўпланишини ва оғриқни камайтиради, қон томирлар жароҳатланганда қон кетишни ўз вақтида тўхтатиш билан ҳайвоннинг ҳаёти сақлаб қолинади, яраларга йоднинг спиртли эритмалари билан ишлов бериш ва стерил боғламлар қўйиш билан яраларга инфекция тушишининг, флегмона, газли гангрена ва сепсис ривожланишининг олди олинади. Бўғинлар чиқишида суякларни ўз жойига қўйиш ва қаттиқ боғлам қўйиш билан уларнинг асоратларига барҳам берилади.

И.А.Калашникнинг (1988) таъкидлашича ҳайвонларни гуруҳ усулида боқишда дастлабки ривожланиш босқичларида артритлар кам аниқланади. Уларни барвақт аниқлашнинг имкони бўлганда, даволаниши жуда қийин ҳисобланган бўғинлар ва тўқималарда сурункали кечадиган йирингли яллиғланишларнинг олдини олишга имкон туғилар эди, одатда бундай турдаги яллиғланишлар кам даволанади.

Бўғинларнинг йирингли яллиғланишлари жуда қийин даволанади, бўғин структурасининг бутунлигини сақлаб қолиш ва инфекцияни тугатишнинг имконияти бўлсада, бўғин бўшлиғида бириктирувчи

тўқималарнинг ўсиши туфайли аъзонинг функциясини тўлиқ тиклаб бўлмайди .

М.В.Плахотиннинг (1981)маълумотларига кўра, антибиотикларни ва бошқа препаратларни, шу жумладан стимулловчи терапия воситаларини қўллаш қайси бир даражада соғайишни таъминласада, бўғинлар функциясининг тўлиқ тикланишини кафолатламайди.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг бўғин касалликларида самарали даволаш ва олдини олиш усуллари ўз вақтида жарроҳлик муолажасини ўтказиш, медикаментоз даволаш, антибиотик ва тўқима препаратларини қўллаш, физиотерапия воситаларини қўллаш ва пархез озиқлантиришдан иборат бўлиши керак. (К.И.Шакалов, 1987; М.В.Плахотин, 1981).

Кўп ҳолларда оёқлардаги артритлар ва бошқа яллиғланиш жараёнларини даволашда медикаментоз воситалардан кортикостероидлар қўлланилади.

Йирингли синовитларни гидрокартизон препаратидан 0,3-0,4мг/кг дозада бўғин бўшлиғига 3 кунда бир марта, жами 2-3 марта юбориш билан самарали даволашга эришилган. Гидрокартизонни юборишдан олдин бўғин бўшлиғи новокаин-антибиотик эритмаси билан яхшилаб ювилади. Муаллиф даволашнинг 10-12 кунларига келиб бўғин функцияларининг тикланишини, 25-ва 30-кунларида синовиал суюқлик таркибининг маромлашишини таъкидлайди.

Бўғинларнинг суяк-тоғай элементларида ва параартикуляр тўқималарда йирингли яллиғланиш жараёнлари оқмалар ҳосил қилиш билан ўтади.

Травматин дориси патологик ўчокдаги тўқималарда регенерация жараёнларини кучайтиради. Бир неча кундан кейин жараён ижобий томонга ўзгаради. Агар антибиотик антисептик малҳамларни қўлласа регенерация жараёнлари суслашади. Травматин дориси тери ости ёки мускул орасига қилинганда бир хафтада 1-3 марта юборганда ўткир синовит, тендовагинит, бурсит ва сурункали миозитларни яхши даволайди.(<http://www.helvet.ru/animal/horse/first.php>)

2. Хионат дориси вена ичига сустав ичига юборилганда жуда яхши натижа беради. Хионат 4мл миқдорда артрит билан касалланган ҳайвонларга ҳафтага 2 марта юборганда жуда яхши натижа олинди, бунда оксаш камайиб ҳайвон бемалол оёғига таяна олди. Бўғимларнинг ҳаракатчанлиги яшиланди. Бўғимлардаги шишлар қайтди. (<http://www.bayeranimalhealth.ru/scripts/pages/ru/library/cattle/arthritis/index.php> - [top#top](http://www.bayeranimalhealth.ru/scripts/pages/ru/library/cattle/arthritis/index.php)http://www.bayeranimalhealth.ru/scripts/pages/ru/library/cattle/arthritis/index.ph)

3. Ҳайвонларда лакаматор аппаратларини касалликларга диагноз қўйиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Маҳаллий анестезияни қўллаш патологик жараёнларни қаерда жойлашганлигининг имконини беради. Кейинги йилларда радиография усулини қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари паст интенсивликка эга бўлган лазер нурларини қўллаш ҳам амалга оширмакда. Бу усуллар ёрдамида патологик жараённинг қаерда жойлашганлиги аниқланади (<http://sudarrb.com/old/vet/opornodvigat.htm>)

4. Бўғимнинг асептик яхши экссудат характерга қараб серрозли, серроз-фибринозли, фибринозли, клиник кечишига қараб ўткир ва сурункали бўлиши мумкин. Бўғимларнинг асептик яллиғланиши механик урилиш, лат ейиш, чўзилиш, чиқиш натижасида пайдо бўлади. Механик шикастланиш қанчалик енгил бўлса, бўғим яллиғланиши ҳам шунчалик енгил кечади. Шикастланиш пайтида бўғимларда жароҳат бўлса, инфекция тушиш натижасида йирингли бўғим касалликлари ривожланади. (<http://webmvc.com/bolezni/live> Травматин дориси патологик ўчоқдаги тўқималарда регенерация жараёнларини кучайтиради. Бир неча кундан кейин жараён ижобий томонга ўзгаради. Агар антибиотик антисептик малҳамларни қўлласа регенерация жараёнлари суслашади. Травматин дориси тери ости ёки мускул орасига қилинганда бир ҳафтада 1-3 марта

юборганда ўткир синовит, тендовагинит, бурсит ва сурункали миозитларни яхши даволайди. (<http://www.helvet.ru/animal/horse/first.php>)

2. Хионат дориси вена ичига сулав ичига юборилганда жуда яхши натижа беради. Хионат 4мл миқдорда артрит билан касалланган ҳайвонларга ҳафтада 2 марта юборганда жуда яхши натижа олинди, бунда оксаш камайиб ҳайвон бемалол оёғига таяна олди. Бўғимларнинг ҳаракатчанлиги яшиланди. Бўғимлардаги шишлар қайтди. <http://www.bayeranimalhealth.ru/scripts/pages/ru/library/cattle/arthritis/index.php> - [top#tophttp://www.bayeranimalhealth.ru/scripts/pages/ru/library/cattle/arthritis/index.php](http://www.bayeranimalhealth.ru/scripts/pages/ru/library/cattle/arthritis/index.php)

3. Ҳайвонларда лакаматор аппаратларини касалликларга диагноз қўйиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Маҳаллий анестезияни қўллаш патологик жараёнларни қаерда жойлашганлигининг имконини беради. Кейинги йилларда радиография усулини қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари паст интенсивликка эга бўлган лазер нурларини қўллаш ҳам амалга оширмакда. Бу усуллар ёрдамида патологик жараённинг қаерда жойлашганлиги аниқланади (<http://sudarrb.com/old/vet/opornodvigat.htm>)

4. Бўғимнинг асептик яхши экссудат характерга қараб серрозли, серроз-фибринозли, фибринозли, клиник кечишига қараб ўткир ва сурункали бўлиши мумкин. Бўғимларнинг асептик яллиғланиши механик урилиш, лат ейиш, чузилиш, чиқиш натижасида пайдо бўлади. Механик шикастланиш қанчалик енгил бўлса, бўғим яллиғланиши ҳам шунчалик енгил кечади. Шикастланиш пайтида бўғимларда жароҳат бўлса, инфекция тушиш натижасида йирингли бўғим касалликлари ривожланади. (<http://webmvc.com/bolezn/livestock/surgeon/arthras.php>)

[stock/surgeon/arthras.php](http://webmvc.com/bolezn/livestock/surgeon/arthras.php))

Б.С.Семенов (1981) йирингли синовитлар ва капсуляр флегмоналарда протеолитик ферментлар, антигистамин препаратларни қўллашни ва

антибиотикларни 10-15 минг ТБ/кг дозада мускул орасига инъекция қилишни тавсия этади.

Бармоқлар қисмидаги йирингли-некротик жараёнларда сульфаниламид препаратларидан фойдаланган ҳолда умумий даволаш усуллари қўллаш мақсадга мувофиқдир.

К.И.Шакалов ва бошқаларнинг (1987) ларнинг маълумотларига кўра, йирингли синовитларни даволашда доривор моддаларни бўғин капсуласининг ичига юбориш жуда яхши самара бериши қайд этилган. Бундан ташқари, протеолитик ферментларни қўллаш натижасида янада яхши самарага эришилганлигини ҳам қайд этиш мумкин.

Бўғин капсуласининг ички муҳитини микробиологик жиҳатдан текширгандан кейин, улардаги йирингли яллиғланишларни даволашда антибиотиклар, қон қўйиш, плазма, оксил гидролизатлари, дезинтоксикацион воситалар, ҳамда новокаинли блокада қилиш усулини қўллаш юқори самара беради (Т.С.Кузнецов, 1980; М.Б.Плахотин, 1992; А.Д.Белов ва бошқалар, 1983; Э.И.Веремей ва бошқалар, 1989).

Ультрабинафша нурлар ҳайвонларнинг организмига турлича таъсир кўрсатиб, турли хил хирургик ва бошқа касалликларда самарали даволаш воситаси сифатида кенг қўлланилади.

Бўғинларнинг йирингли яллиғланишларини даволашда УВЧ-терапия ультрабинафша нурларни, трипсин билан электрофарез ўтказиш усулини қўллаш юқори самара беради (К.И.Шакалов, 1987; И.А.Калашник ва бошқалар, 1988; А.Д.Белов ва бошқалар, 1983; Э.И.Веремей ва бошқалар, 2003).

А.В.Корис (1990) қўйлар туёғининг йирингли-некротик яллиғланишларини даволашда натрий цитратнинг 5% ли эритмаси билан стабиллаштирилган ва ультрабинафша нурлар билан нурлантирилган аутоқонни антибиотиклар билан биргаликда 96 соат ичида, 2 мартаба қўллаш натижасида яхши самараларга эришган.

Бўғинларнинг йирингли яллиғланишларини даволашда ёруғлик нурлари ва электротерапия усулларини қўллаш натижасида яхши терапевтик самарага эришилган (А.Д.Белов, 1983; Э.И.Веремей, 2003).

Тиббиётда ёруғлик нурлари билан даволашда инфрақизил ва ультрабинафша нурлар электр билан даволашда гальванизация, электрофарез, диатермия ва ультратовуш даволаш усуллари қўлланилган. Ветеринарияда эса, бўғин касалликларини даволашда лазер нурларидан фойдаланиш самарали усуллардан бири ҳисобланади .

Анъанавий даволаш усуллар яхши самара бермаган, ҳолларда ҳам лазер нурларидан кенг фойдаланиш мумкин.

Бўғин касалликларининг олдини олиш оёқлар шикастланишларининг профилактикаси тизимига киради.

Хўжаликларда 5 йил мобайнида ҳайвонлар орасида кузатилган тананинг турли қисмларининг шикастланишлари қуйидаги кўринишда намоён бўлган: оёқлар травматизми 2187 ҳолда, елиннинг шикастланишлари 1183 ҳолда, қорин бўшлиғидаги жароҳатланишлар-1050, кўкрак қафасида-723 ҳолатда. Рақамлардан кўриниб турибдики, аксарият ҳолларда оёқлар ва аксинча, жуда кам ҳолларда кўкрак қафаси шикастланган бўлиб, оёқларда травматизмларнинг кузатилишига полларнинг жуда қаттиқ, нотекис, ўта қия, ҳайвонлар турига мос келмайдиган панжаралардан иборат бўлиши ҳисобланади (И.С.Панько, 1990). Шунинг учун Молоканов В.А. (2001) молхоналарда полини жуда майда қум аралашган бетондан тайёрлашни тавсия этади. Англияда оёқ касалликларининг олдини олиш мақсадида, ҳайвонларнинг сирпаниб шикастланишини камайтириш мақсадида юзаси нотекис бетон поллар тайёрланади.

Улимбашев М. Б.(2007) маълумотида кўра панжарали поллар анча мустаҳкам бўлиб, механик ва ювиб тозалашга қулай ҳамда дезинфекцияловчи воситаларнинг таъсирига чидамли бўлади.

Ҳайвонларни бир жойда боғлаб боқишда кўпинча туёқларнинг травмалари кўпроқ учрайди. Ҳаракатнинг чегараланиши, туёқ шохининг ўсиб кетиши оқибатида пайларнинг чўзилиши, туёқ шохининг синиши каби оёқларнинг касалликлари келиб чиқади.

Маълумотларига кўра, мационнинг етишмаслиги ва соғин сигирларнинг туёқларини ўз вақтида кесиб турмаслик оқибатида уларнинг сут махсулдорлиги 10 % га, Х.Б.Ниёзов ва Н.Ш.Давлатов (1996,1998) маълумотига кўра эса 5%га камаяди. Бўрдоқиланаётган ҳайвонлар тана вазнининг ортиши бир бош ҳайвон ҳисобига 20-30 кг га камаяди. Туёқларнинг ҳаддан ташқари ўсиши туфайли келиб чиқадиган касалликларни олдини олиш учун туёқларни ҳар 3-4 ойда бир марта кесиб ва тозалаб туриш лозим.

Муаллифнинг маълумотларига кўра, ҳайвонларни яйловларда боқишда қорин соҳасининг жароҳатланиши 37,3%, кўкрак қафаси – 29,1%, оёқлар – 13,5%, бош ва бўйин соҳаси – 14,8%, елиннинг жароҳатланишлари 3,4% ҳолларда кузатилган. Бунга асосан ҳайвонларни гуруҳлаш, яйловларга ҳайдаш пайтидаги травмалар ва яйловларни етарлича тайёрламаслик сабаб бўлади.

Ҳайвонларнинг оёқларнинг жароҳатланишлари билан кўплаб касаланишига бўғоз она ҳайвонларни етарли даражада озиклантирмаслик ва туғилган ҳайвонлар организми резистентлигининг паст бўлиши, этиологик омилларнинг ноқулай таъсири ҳайвонларни сақлашда полларнинг нотекис, бузилган бўлиши, молхоналардаги ҳароратнинг пастлиги ва ҳайвонларни тез-тез гуруҳлаб туриш кўпинча сабаб бўлади.

Кўпчилик бўрдоқичилик хўжаликларида ҳайвонлар рационидида силос ва жомнинг ортиқчалиги ҳамда протеин, витаминлар ва фосфорнинг етишмовчилиги кузатилади. Қанд-оқсил нисбатларининг паст бўлиши минерал моддалар (кальций, фосфор) алмашинувларининг издан чиқиши, остеодистрофияга сабаб бўлади ва оқибатда суюқларнинг юмшаб қолиши,

улар чидамлигининг пасайишига олиб келади (М.В.Плахотин, 1992; И.С.Панько 2003)

Республикада ҳайвонларда учрайдиган минерал моддалар алмашинуви бузилишларини профилактика қилиш учун бентонит препаратини қўллашни кўпчилик олимлар тавсия этадилар (Н.Ш.Давлатов ва б., 1998).

Травмадан кейинок организмда сув-электролит алмашинуви издан чиқади. Бу вақтда тўқималар томонидан кислородни ўзлаштирилиши тезлашади. Кичик травмалар пайтида организмда 200-500 грамм ёғлар парчаланани ва 1800-4500 калория энергия, бу вақтда оксиллар ҳам парчаланиб 20 грамм азот ажралиб, суткасига атиги 500 калория энергия ҳосил бўлади. Катта ҳажмдаги травмалар ва септик ҳолатларда касал ҳайвон томонидан кислородни ўзлаштирилиши тезлашади .Жинсий рефлекслар оқибатида келиб чиқадиган травмаларни олдини олишда электротрейнерлардан фойдаланишни тавсия этилади. Бундан ташқари, кўраларда сақлашда букачаларни гуруҳлашда пайтида уларнинг ёши ва вазни бир хил бўлишини гуруҳдаги ҳайвонлар, бош сони эса 25-30 тадан ошмаслигини таъминлаш керак.

С.Поповнинг (2000) таъкидлашича, сигир ва ғуножинларга фаол мацион берилиши, қон зардобидаги ишқорий захирани 13,6% CO_2 га, умумий оксил миқдорини 0,99 г/лга ортишини таъминлайди. Тажриба гуруҳидаги биринчи марта тукқан сигирларда сервис даврини 49 кунга қисқариши, сутнинг ёғлилик даражасининг 16%га ортиши ҳамда оёқ касалликларининг кескин камайиши кузатилган.

Юқори маҳсулдор сигирларни юқори концентрат типиди озиқлантириш ва гиподинамия уларда туёқларнинг касалликлари ва модда алмашинувлари бузилишларига сабаб бўлиши мумкин.. Сигирларга ҳар куни 5 км атрофида мацион берилиши ва баланслаштириш рационда боқилиши

туёқ касалликлари модда алмашинуви касалликларини кескин камайишини таъминлайди.

К.И.Шакалов (1981) ва И.С.Панько ва бошқаларнинг (2003) таъкидлашича, бузоқлар гуруҳида инфрақизил, ультрабинафша нурларни қўллаш ва аэромонизация травматизмларни олдини олишда самарали профилактик воситалар ҳисобланади.

Травматизмларни олдини олиш масаласини ҳал этиш чорвачиликда катта имкониятларни ечиб беради ҳамда аҳолини сут ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш имконини беради.

Сут ва гўшт маҳсулотларининг исрофгарчилигини олдини олиш кўп жихатдан ҳайвонларни парваришлаш, ташиш ва гўштга сўйиш қоидаларига риоя қилишга боғлиқ. Травматизмларни олдини олиш тадбирлари ҳайвонларни ишлатиш, парваришлаш ва транспортда ташиши шароитларини ҳисобга олган ҳолда тўғри ташкил этилгандагина кутилган самарани беради. Профилактик тадбирларни комплекс равишда амалга ошириш билан травматизмларни олдини олиш мумкин. Адабиёт маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ветеринарияда кенг миқёсда қўлланилиб келинаётган даволаш профилактик воситалар ва усуллар турли травматизмларни ва оёқ дистал қисми бўғинларининг касалликларини шу жумладан бўғинларнинг йирингли яллиғланишларини даволаш ва олдини олиш тўлиғича самара бермайди. Шунинг учун бу муаммоларни ҳал этишнинг юқори самарали усулларини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилади.

Ҳайвонларда хирургик инфекциянинг ривожланиши. Микроблар, вирусларнинг организмга тушиши натижасида ривожланадиган маҳаллий ва умумий касаллик бўлиб, уни хирургик (оддий ва мураккаб операциялар) йўли, антибиотиклар, сульфаниламидлар билан даволашда яхши натижага эришадиган инфекцияларга хирургик инфекцияси деб айтилади. (М.В.Плахотин).

Хирургик инфекциялар ўзининг келиб чиқиши ва ривожланиш қонуниятлари билан бошқа инфекциялардан умуман принципиал фарқ қилмайди, лекин уларнинг баъзи бир ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

1. У кўпинча маҳаллий бошланиб, асосан йирингли безарар характерга эга ва камдан-кам хатарли бўлиши мумкин.
2. У асосан турли шикастланишлар натижасида пайдо бўлади.
3. Оператив усулларни қўллаш билан осонроқ йўқотилади.

Таснифланиши:

1. Маҳаллий;
2. Умумий;
3. Аралаш;
4. Бир турли;
5. Иккиламчи;
6. Қайта кўзгалувчи.

Чақирувчисига кўра:

1. Аэроб (стафилококк, стрептококк ва бошқ.);
2. Анаэроб (бацилла, клостридиум, ичак таёқчаси ва бошқ.).
3. Чириш инфекцияси (ичак таёқчаси, спора ҳосил қилувчи ва бошқ.).
4. Махсус инфекциялар (бруцеллез, сил, актиномикоз, онхоцеркоз, соқов).

Хирургик инфекциянинг ривожланиш даврлари.

Инфекцион жараённинг ривожланишида микроб ва вирусларнинг аҳамияти замонавий тушунчаларга қараб қуйидагиларга ажратилади:

1. Микроблар билан ифлосланиш (контаминация);
2. Микрофлора;
3. Инфекция.

Контаминация – жароҳат ва бошқа очиқ шикастланишларнинг ташқи муҳитдан микроблар билан ифлосланиши. Бу микроблар асосан юзада жойлашиб кўпаяди, фермент ва токсинларини ажратмайди ва бошқа

тўқималарга таъсир қилмайди. Уларнинг бир қисми ўлади, қолганлари эса шароитга ўрганиб кўпаяди, активлашади ва натижада жароҳат микрофлорасига айланади.

Микрофлора – жароҳат муҳитига ўрганган, нисбатан ўзгармас, микробларнинг ассоциацияси. Жароҳат микрофлораси биологик актив бўлиб, унинг микроблари асосан юзада ва ўлган тўқималарда жойлашади. Ўзидан фермент ажратиб ўлган тўқималарни суюлтиради (гидролиз). Микрофлора таркибига муҳит рНи ва ўлган тўқималар мавжудлиги таъсир қилади. Масалан: биринчи фазада ўлган тўқималар кўплиги ва муҳит аччиқ бўлганлиги учун асосан стрептококклар ривожланади. Иккинчи фазага ўтиш даврида эса муҳит ишқорий бўлади ва натижада стафилококк, ичак таёқчаси ва бошқа алколафил микроблар ривожланади.

Инфект – ўлган тўқималардан тирик тўқималарга ўтиб, у ерда ривожланадиган, ўзидан токсин ва ферментлар ажратиши натижасида тирик тўқималарни емирадиган патологик микроорганизмлар. Улар хирургик инфекцияни чақиради.

Хирургик инфекция – инфект таъсирида ҳосил бўлган морфологик ва функционал бузилишларга макроорганизмнинг жавоби, яъни мураккаб патологик жараён.

Организмнинг бу реакцияси инфектни тўлиқ босиш ва йўқотишга, иммунитет ишлаб чиқаришга ҳамда ташқи муҳит билан организмнинг бузилган бирлигини тиклашга қаратилган.

Хирургик инфекция ривожланишини чеклаштирувчи механизмлар – энг аввало бу организмнинг анатомик ва иммунобиологик тўсиқлари:

- а) бутунлиги бузилмаган тери;
- б) шиллиқ пардалар;
- в) фасциялар;
- г) организмнинг ташқи қопламалари;
- д) жигар ва лимфоцитар тўсиқ;

- е) гематоэнцефалик тўсиқ;
- ж) гематоофтальмик тўсиқ;
- з) маҳаллий тўқимали тўсиқ;
- и) хужайра мембранаси.

Ундан ташқари бузилиш зонасида қўшимча иммунобиологик тўсиқ ҳосил бўлади. Кейинчалик у грануляцион тўқимага айланади.

Хирургик инфекция ривожланишини жадаллаштирувчи омиллар.

Улардан энг катта аҳамиятга эга:

1. Тери, шиллиқ парда, грануляцион тўқима ва бошқа анатомик ҳамда биологик тўсиқларнинг иммунобиологик камчиликлари;
2. Бириктирувчи тўқима физиологик системасининг ҳимоя функцияси, яъни иммуногенез пасайиши;
3. Нейрогуморал регуляция ва алмашинув бузилиши;
4. Гипо ва авитаминозлар;
5. Организмнинг сенсibiliзацияси;
6. Алиментар дистрофия;
7. Кўп қон йўқотиш;
8. Дисбактериоз;
9. Оғиз шикастлари ва интоксикация;
10. Организмда ўлган тўқима ва ёд жисмлар мавжудлиги;
11. Организмдан шлаклар ва бошқа секретларни чиқариб ташланишининг бузилиши;
12. Жароҳат ва бўшлиқларда тўқималар бузилишидан келиб чиқадиган моддаларнинг йиғилиб қолиши.

Ундан ташқари микроблар вирулентлиги, патогенли ҳамда марказий нерв системасининг вегетатив бўлинмасининг функционал ҳолати катта аҳамиятга эга.

Йирингли инфекция – бу касалликни чақирувчи микробларнинг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, кислород мавжуд бўлган

дақиқалардагина ривожлана олади. Бу инфекция асосан маҳаллий ўзгаришлар чақириб, фақат айрим ҳоллардагина умумий инфекция ҳолатида ўтади. Йирингли инфекция бошланишига асосан тери ва шиллиқ пардалар жароҳатланиши натижасида юқумли касаллик чақирувчилари организмга тушиши сабаб бўлади. Аэроб микроблар таркибига стафилококк, стрептококк, криптококклар, кўк йиринг таёқча, ичак таёқчаси ва йиринг ҳосил қилувчи микроблар киради. Хусусан шу микробларнинг энг ашаддийси турли хилдаги стафилококклар (тилла ранг, оқ, сариқ ва ҳоказо).

2.2. Хайвонлар бармоқларининг анатомо-топографик тузилиши.

Жуфт туёқли ҳайвонлар оёқларининг дистал қисми иккита (учинчи ва тўртинчи) бармоқдан иборат бўлиб, суяклари бир туёқли ҳайвонларникига ўхшаш бўлади.

Бармоқ областида учта бўғим бўлиб:

1. Туёқ бўғими учта туёқ, юмалоқ ва моқисмон суяқларининг бирикишидан ҳосил бўлади. Бўғим капсуласи атроф тўқималари билан мустаҳкам бирлашган бўлиб, бўғимнинг ён томонида ёнбош боғламлар жойлашган бўлади.

2. Юмалоқ бўғим юмалоқ ва тушоқ суяқларининг бирикишидан ҳосил бўлади. Бўғим капсуласи бармоқларнинг буқувчи ва ёзувчи пайлари билан мустаҳкам бирлашади. Бўғимда ёнбош ва ўрта воляр (плантар) боғламлар бўлади.

3. Тушоқ бўғими тушоқ- юмалоқ ва иккита кунжутсимон суяқларнинг бирикишидан ҳосил бўлади. Тушоқ бўғимида пай-боғлам аппаратлари яхши ривожланган бўлади. Бармоқларнинг юза ва чуқур буқувчиларида пай кинлари мавжуд. Бармоқларда қон ва нерв томирлари яхши ривожланган бўлиб, уни рентгенограмма қилганда яққол кўринади.

Олдинги оёқ бармоқ бўғимларининг мускулларига асосан тўртта мускул киради, улардан иккитаси ёзувчи мускуллар бўлиб, оёқнинг устки

юзасидан, қолган иккитаси эса букувчи мускуллардир. Бу мускуллар оёқнинг орқа юзасида жойлашади.

1. Бармоқларни умумий ёзувчи мускули узун бўлиб, тирсак бўғимидан туёқсимон суяккача боради. Мускулнинг юқори қисми пай толалар аралаш гўштли, билагозук бўғимидан пастки қисми эса пайга айланган бўлади.

2. Бармоқларни ён томондан ёзувчи мускул кавш қайтарувчи ҳайвонларда тирсак ва билак суяқларининг юқори қисмидан бошланиб, бармоқларни умумий ёзувчи мускулнинг ён томонидан оёқнинг пастки томонидан тушади ва иккинчи ва тўртинчи бармоқларнинг учинчи бўғимида умумий ёзувчи мускулларга қўшилади. Бир туёқли ҳайвонларда ҳам тирсак бўғимидан бошланиб, бармоқ бўғими суяқларининг иккинчиси устида бармоқларни ёзувчи мускулга қўшилиб кетади.

3. Бармоқни букувчи юза мускул яхши ривожланган бўлиб, елка суягининг ўрта думбоғидан бошланади ва билагозук бўғими томон тушади. Бу мускул юза ва чуқур бўлимдан иборат. Юза бўлимининг пай қисми билагозук бўғимидан ўтиб, кафт суяги томон йўналади. Чуқур бўлимида бир қанча мускул элементлари бўлиб, улар бармоқларни букувчи чуқур т мускулга ва суяқлараро мускулга қўшилади, кафт суягининг ўртароқ қисмида яна иккига ажралиб, учинчи ҳамда тўртинчи бармоқларга боради.

Бир туёқли ҳайвонларда бу мускул анча ривожланган бўлиб, кавш қайтарувчи ҳайвонларники билан бир хил жойдан бошланади ва бита пайга айланиб, кейин икки қисмга бўлинади, улар туёқсимон суякнинг пастки юзасида тугайди. Отларда қўшимча пайсимон қисми ҳам бўлади, бу қисм тушоқ бўғими ва унинг пайидаги бўғимни мустаҳкам сақлаш учун хизмат қилади.

4. Бармоқларни букувчи чуқур мускул ҳам қишлоқ хўжалиги ҳайвонларида яхши ривожланган бўлиб, уч қисмга: елка суягига, ва тирсак

суякларига боровчи қисмларга бўлинади. Бу қисмларнинг ҳар қайсиси юқорида кўрсатилган суяклардан бошланади.

Худди шундай ҳайвонларнинг кейинги оёқ бармоқларини ҳам тўртта узун мускул ҳаракатга келтиради. Ёзувчи мускуллар оёқларнинг олдинги юзасида жойлашади.

1. Бармоқ бўғимларини ёзувчи узун мускули ҳамма ҳайвонда жуда яхши ривожланган бўлиб, сон суягининг пастки қисмидаги чуқурчадан бошланади ва иккита мускул қоринчасидан иборат бўлади. Бу қоринчалар бир-бири билан фасция орқали бирлашади. Ҳар қайси мускул қоринчасининг аниқ пайлари бўлиб, улар болдир суяги юзасидан ва кафт суягининг олдинги томонидан ўтиб, бармоқ суяклари томон тушади.

2. Бармоқларни ён томонга ёзувчи мускули кавш қайтарувчи ҳайвонларда болдир суягининг ён томони юзасида жойлашади. Болдир суягининг юқори ён думбоғидан бошланиб, тўртинчи бармоқ суягининг иккинчи бўғимида тугайди. Мускул пайга айланган жойгача болдир суягига ёпишиб туради. Товон бўғимининг атрофида синовиал қинга ўралган бўлади. Бир туёқли ҳайвонларда кичик болдир суягининг ён қисмидан бошланиб, учинчи бармоқни ёзишда қатнашади.

Бармоқларнинг букувчи мускуллари оёқнинг орқа томонида жойлашган бўлади.

3. Бармоқларни букувчи юза мускули кучли, лента шаклида бўлиб, пай толаларга бойдир. Бу мускул болдир мускуллари остида, улар орасида жойлашади ва сон суягининг орқа чуқурчасидан бошланиб, товон суяги дўнгигача боради. Болдир суягининг ўртароқ қисмида пайга айланиб, болдир мускулининг ички юзасидан ўтади, ахилл пайининг ҳам шу юзасидан ўтиб, товон дўнги орқали кафт суягининг плантар юзасига тушади ва толалар орқали суяклараро мускулга қўшилиб, кунжутсимон суякнинг устки қисмида иккига бўлинади, учбурчак пластинка ҳосил қилиб, учинчи ва тўртинчи бармоқларнинг иккинчи бўғими устида тугайди. Бир туёқлиларда кавш

қайтарувчиларникига ўхшаш, плантар чуқурчадан бошланиб, учинчи бармоқнинг биринчи иккинчи бўғимларида тугайди.

4. Бармоқларни букувчи чуқур мускули ҳам яхши ривожланган бўлиб, болдир суякларининг орқа юзасида жойлашади. Унинг учта боши бўлиб, катта болдир суягининг ён ва ўрта дўнгларида ҳамда болдир суяги бошланиш орқа юзасидан бошланади. Ён томон юза ва чуқур ҳамда ўрта бошлари бошланишида мускул толаларидан иборат бўлиб, кейинчалик пайга айланиб кетади.

а) ён томон юза боши ёки болдир мускули лентасимон, юқори қисми кенг бўлиб, пастки қисми торайиб пайга айланади ва оёқ бармоқлари томон пастга тушади;

б) ён томон чуқур боши анчагина ривожланган бўлиб, урчук шаклидадир. Бу мускул ҳам болдир суягининг ўртароқ қисмида пайга айланиб, товон суягининг орқа юзасидан бармоқ бўғимлари томон боради;

в) ўрта томон юза боши ички юзани қоплаган бўлиб, лента шаклидадир. Бу мускул ҳам пайга айланади ва товон суякларининг ўрта қисмидан ўтиб, кафт суяги томон боради. Юқоридаги мускулларнинг пайлари бир-бирига қўшилиб, кунжутсимон суяклар устида ён ва ўрта тармоқларга бўлинади, улар пай найчаларга кириб, моқисимон суякка боради ва учинчи туёқсимон суякнинг букув юзасида тугайди. Улар тугаган жойда шилимшиқ халтача бўлади. Бармоқ бўғимларидан ўтиш жойида ҳам синовиал халтача ўралади. Мускул бармоқ суякларини букишда катта функция бажаради.

Ҳайвонларда оёқларнинг дистал қисми туёқ билан тугайди. Туёқ – бу тери ҳосиласи бўлиб, ҳайвонларда бармоқнинг охириги органи ҳисобланади. Туёқда туёқ жияги, туёқ айланаси, туёқ девори, туёқ товони ва туёқ айланаси фарқланади. Туёқ гистологик текширилганда, терига ўхшаш ташқаридан ичкарига қараб учта асосий эпидермис, тери асоси ватери ости қаватидан иборат.

Туёқ тери асоси оч қизил рангда бўлиб, у туёқ шох капсуласи олингандан кейин яхши кўринади. Эпидермис ҳосиласи туёқ шох капсуласини ҳосил қилади, шох капсуласи олинганидан кейин туёқ тери асоси кўринади, у сўрғичсимон (варақсимон), қон томирли ва тери ости қаватидан тузилган.

Туёқ жияги.

Терининг туёққа ўтадиган қисмидаги 0,5 см келадиган жунсиз жойдир. Унинг орқа қисми туёқ айланасига қўшилади. Туёқ жиягининг устки қисми нисбатан юпқа, ялтироқ модда билан қопланган бўлади. У туёқ деворининг ташқи ялтироқ қаватини (глазур) ўсишини таъминлайди ва терининг жунли қисмига босимни камайтиради.

Туёқ айланаси.

Туёқ айланаси (гултожи) туёқ жиягининг пастида жойлашган бўлади. Туёқ айланаси - отларда яхши ривожланган бўлади, туёқ шох капсуласи олингандан кейин яхши кўринади, унинг қалинлиги 1-1,5 см бўлиб, туёқ жиягидан чуқурча билан чегараланиб туради. Туёқ айланаси бириктирувчи тўқима ҳисобига туёқсимон суяк устида ўсиб, ёстиксимон айланма ҳосил қилади. Туёқ айланаси туёқ деворининг шохсимон қаватини ўсишини таъминлайди, амортизация вазифасини бажаради ва туёқ бўғимини турли шикастланишлардан ҳимоя қилади.

Туёқ девори

Туёқ девори олдинги ва иккита ён ҳамда товон қисмларга бўлинади. шохсимон туёқ деворининг юқори қисми туёқ айланасига, пастки қисми эса товонга яқин туради. Туёқ деворининг ташқи юзаси ялтироқ, асосий остки варақсимон шох қатламлардан иборат.

Туёқ девори терисининг асоси туёқсимон суякка ёпишган бўлиб, хатто уни пичоқ билан ҳам ажратиш қийин. У туёқсимон суякнинг устки ва

ён қисмини бутунлай қоплайди. Бунда жуда кўп варақсимон пластинкалар бўлиб, уларнинг устки юзаси шохга айланган.

Бир туёқли ҳайвон туёқларининг орқа қисмида буралган жойи бор, буни туёқнинг товон қисмида бурчак бурмалари дейилади. Бу бурчак бурмалари жуфт туёқли ҳайвонларда бўлмайди.


Туёқ девори асосан чуқурда жойлашган тўқималарни турли хилдаги механик шискатланишлардан сақлайди. Туёқ девори тери асосидаги варақчасимон қават, чуқурда жойлашган тўқималарни туёқ девори билан мустаҳкам ушлаб туради.

Туёқ кафти


Туёқ кафти туёқнинг пастки қисмида жойлашган найчасимон шох қаватдан иборат бўлиб, у туёқнинг девор қисми билан қўшилади. Улар шох қаватда мавжуд бўлган оқ линия ёрдамида бирлашиб туради. Туёқ товонининг шох қисмида, товон танаси ва товон бурчаклари фарқланади.

Туёқ кафти терисининг асоси ҳам туёқсимон суякнинг товон қисмига маҳкам ёпишган бўлади. Унинг **ғуддалари** жуда узун, ташқи юзаси мугузлашган туёқ кафтини ҳосил қилади.

Жуфт туёқли ҳайвонларда, туёқ кафти билан юмшоқ товон ўртасидаги чегарани фарқлаш қийин. Бир туёқли ҳайвонларда юмшоқ товон тана шаклида бўлиб, у ўзининг ўткирсимон учи билан товон бурчак бурмалари девори оралиғида жойлашган бўлади, шунинг учун ҳам уни туёқ стрелкаси деб юритилади.




От туёгининг туёқ девори 1-эгилган қисми, 2- бурма бурчаги,
3-бурма қисми, 4-ён қисми, 5-илгич қисми



От туёгининг тери асоси

а-терининг жунли қисми, б-туёқ жиягининг тери асоси, в-туёқ
айланасининг тери асоси, г-туёқ деворининг тери асоси



От туёғи (кафт томонидан кўриниш)

А-олд оёқ туёғи: 1 -бурма бурчаги; 2 -стрелканинг ён ариқчаси; 3 - оқ
линия; 4-туёқ шох деворининг ўқча чети; 5-туёқ ўқчаси; 6-стрелка учи;
7- оёқчалараро ариқча; 8-туёқ бурмаси девори; Б-орқа оёқ туёғи.

Туёқ стрелкасининг ёнбош қисми билан товон бурчак девори оралиғида, стрелканинг икки томонида ҳам ариқча ҳосил бўлади, бу ариқчага ёт жисмларнинг санчилишдан шохсимон блок шикастланади.

Туёқ стрелкаси ва юмшоқ товон оёқнинг таянч босқичида, асосан амортизация вазифасини бажаради. Юмшоқ товон ёстикчаси ва понасимон стрелка кенгайиши натижасида, туёқ товонининг шохсимон капсуласига қўшимча майдон ҳосил қилади.

Юмшоқ тоғай.

Юмшоқ тоғай фақатгина бир туёқли ҳайвонларда бўлиб, у бармоқ суякларига боғламлар ёрдамида бирлашиб туради. Юмшоқ тоғай асосан амортизация вазифасини бажаради.

Туёқнинг тери ости қавати.

Туёқнинг тери ости қавати фақат туёқ жияги ва айланасида бўлади. Туёқ айланасининг тери ости қисми жуда ривожланган, унда капиллярлар жуда кўп бўлиб, шу жойдаги тўқималарни озиклантириш учун хизмат қилади. Туёқнинг асосан тери қисмида экстрорецептор нерв учлари жуда кўп, шунинг учун у таъсирни тез сезади.

Туёқ ва туёқ чаларнинг статико-динамикаси.

Бармоқлар таянч вазифасидан ташқари, улар ҳаракатда оғирлик нуқтасини пасайтириб, дистал амортизаторлар вазифасини ҳам бажаради, ҳайвонларда бармоқларнинг бу функцияси «туёқ механизми» деб юритилади.

Жуфт туёқли ҳайвонларда бармоқ суяклари таянч нуқтаси ерга нисбатан эгилиб туради (тинч ҳолатда) ҳаракатда эса тушов ва юмалоқ суяклар яна ҳам кўпроқ чўзилишига олиб келади.

у ўз навбатида букувчи пайларнинг яна ҳам чўзилишига сабаб бўлади, бундан ташқари туёқлар оғирлик таъсирида кенгайиб, туёқ оралик ёриғининг кенгайишига олиб келади. Жуфт туёқлиларда туёқчаларнинг ташқиси,

ичкисига нисбатан каттароқ бўлади, туёқчалар ёриғи кенгайиш биринчи навбатда кесишувчи пайларни чўзилишига, туёқ пайлари ва бўғинларининг чўзилиши оғирликни анча енгиллаштиради. Ички учинчи бармоққа кўпроқ оғирлик тушади.

Шу билан бирга таянч босқичида юмшоқ товон сиқилади ва ўз навбатида у ҳам амортизаторлик вазифасини ўтайди. Шундай қилиб ҳайвон оғирлиги бармоқларда таянч ҳолатда кўп қисми пай ва пайчаларга ўтказилади, юмшоқ товон ва туёқ капсуласига тушади ва улар биргаликда дистал амортизатор вазифасини бажаради. Туёқларнинг олдинги ҳаракати вақтида, чўзилган пай ва пайчалар, қайта ўз жойига келади ва бирлашиб туради.

Бир туёқли ҳайвонларда эса кесишувчи пай бўлмаслиги туфайли оғирлик юмшоқ товон тоғайига, туёқларнинг бурчагига ва товон кўрсаткичига тушади. Бир туёқли ҳайвонларда туёқ механизми куйидагича бўлади. Ҳайвоннинг оғирлиги таъсирида юмалоқ ва тушоқ суяклари кўпроқ энгашади, шу туфайли юмалоқ суякнинг чуқур буқувчи пайи ва моксимон суяк таъсирида юмшоқ товон тоғайи ва кўрсаткичга таъсир қилади, ердан эса шунга тенг таъсир кучи қаршилиқ қилади, шу кучлар таъсирида туёқ горизонтал йўналишда кенгаяди (туёқ 2-4 мм кенгаяди).

Туёқ механизмида таянч ҳолатининг иккинчи босқичида, туёқлар босилиб туриб, тўғрилана бошлайди, юқоридаги ўзгаришлар кўндаланг томонга кучни ўтказди ва товонни қиса бошлайди, натижада ҳайвон танаси олдинга қараб ҳаракат қилади. Оёқ ердан узилиб, осилиб турса, яна ўз ҳолатига қайтади ва иккинчи босқичга ўтади, ерга қўйгунча яна фалангалар букилади бунга ёзувчи пайлар ёрдам беради ва яна ерга таяниш фазаси бошланади.

Бундай ҳаракат оёқларда амортизаторлик функциясидан ташқари бармоқларни массаж қилади, бу ўз навбатида қон билан таъминланишни яхшилади ва туёқларни ўсишга олиб келади.

Туёқларнинг ўсиши ва физик хусусиятлари.

Туёқ капсуласи, жуда мўрт мустаҳкам капсуладан иборат, у бармоқларни химик, физик, биологик факторлардан эҳтиёт қилади, уларнинг найсимон қисми иссиқлик ўтказиш вазифасини бажаради, шу туфайли туёқлар совуқ ва иссиққа чидамли бўлади.

Туёқ капсуласи отларда 40% сувдан иборат, энг кам сув туёқ деворида 28,5%, товонда 45,6%, туёқ кўрсаткичида 48%, туёқ 12⁰ да 24 соат ичида 4% сув йўқотади, 10 кунда 12%, туёқларни қуриб қолиши уларни эгилувчанлиги йўқлигига ва массасини камайишига олиб келади. Туёқ капсуласи эпидермисининг ҳосил қисмидан пайдо бўлиб, отларда ҳар ойда 8 мм ўсади.


Унинг ўсишига турли факторлар таъсир қилади. Масалан: қишда кўпроқ ўсади, ёзда камроқ, хайвон ориқ бўлса камроқ ўсади, ҳомиланинг иккинчи даврида ҳам туёқ ўсиши камаяди, биялар соғилганда ҳам туёқ ўсиши камаяди. Хўкизларда туёқ бир ойда 6,5-8,5 мм ўсади, қўйларда қишда – 5 мм, ёзда – 10 мм, чўчқаларда – 5,3 мм. Бундай ўсиш фақат тўғри шароитда боқишда ва сақланганда кузатилади. Туёқларнинг ўсишини ўрганишдан асосий мақсад туёқларнинг қирқиш муддатини белгилаш учун зарур ҳисобланади. Отларда эса тақалаш учун ва тақани алмаштиришни режалаштириш учун зарур бўлади.

Ш. АСОСИЙ ҚИСМ

3.1. Илмий тадқиқот натижалари, таърифи ва таҳлили

3.2. Хайвонлар туёқларида операция ўтказиш усуллари.

Йирик ва майда шохли хайвонларда туёқ бўғимларининг йирингли остеоартритларида, параартикуляр флегмонасида, бармоқларнинг букувчи мускул пайларининг некрозида, йирингли подотрохлеит ва учинчи бармоқ парезида учинчи фаланга экзартикуляция операцияси ўтказилади.



Туёқ бўғимининг йирингли остеоартрити

Операция ўтказишдан бир кун олдин бармоқлар илиқ сувда совун ва щётка билан яхшилаб ювилади ва ҳимоя боғлами қўйилади.

Касал ҳайвонни, касал бўлган оёқ томонига ётқизилади ва яхшилаб фиксация қилинади. Сўнгра операция майдони 5%ли йод, формалин, калий перманганат суртилиб тайёрланади, бармоқ нервлари ўтказувчан оғриқсизлантирилади ёка айланма новокаин камали қўлланилади. Қонни

келишини камайтириш мақсадида бармоққа жгут боғланади ва кесиш чизиғи аниқланади. Кесиш чизиғи, туёқнинг олдинги қисмида туёқ жиягидан 0,5 см пастроқдан, орқанги қисми эса туёқ жиягидан 3-4 см пастроқдан ўтади ва шу ердан арра билан кесиб ташланади.

Сўнгра долотом ёрдамида туёқ суягининг эпифиз қисми олиб ташланади ва у ерда қолган кунжутсимон суякчалар ҳам скалпел ёрдамида олиб ташланиб, юмалоқ суякнинг тоғай қисми ўткир қошиқча билан қириб ташланади. Жароҳат яхшилаб текширилиб у ерда улган тўқималари олиб ташланади ва қон томирлар тикилади, сўнгра жгут олинади ва озроқ кутиб турилади, агар қон келса, жгут яна боғланиб қон оқаётган томирга чок қўйилади, агар қон келмаса жароҳатга даволаш ишлари амалга оширилади. Бунда жароҳатга антибиотиклар ва сулфаниламидлар сепилиб, дегт ва вазилин аралашмасига ботирилган боғлам қўйилиб боғлаб ташланади ва 10-12 кундан кейин боғлам алмаштирилади

Қорамолларда биринчи ва иккинчи бармоқ бўғимларининг йирингли некротик яллиғланишларида, фаланга бўғим боғламларининг яшур ва некробиоз касалликларидан келиб чиқадиган асоратларда, некроз ва бошқа патологик жараёнларда ампутация қилинади.

Операция ўтказишдан бир кун олдин бармоқ илиқ сувда совун ва щётка билан яхшилаб ювилади ва химоя боғлами қўйлади. Операция бошланишидан олдин патологик жараён кечаётган жой 5% ли йод, калий перманганат, перекис водород ёки формалиннинг спиртли эритмаси билан ишлов берилади.

Ҳайвон ётқизилган ҳолатда фиксация қилинади, бунда патологик жараён кечаётган оёқ юқорига қўйилиб яхшилаб боғланади ва новокаин билан айланма ёки ўтказувчан оғриқсизлантирилади

Ҳайвон оёғининг дистал қисмидан қонни тўхтатиш учун жгут қўйилади. Бармоқ териси юза ўрталиғидан, юқоридан пастга қаратиб кесилади. Кейин уни ярим ой шаклида медиал туёқ оралик томонига туёқ

жиягининг айланма узунасига, ҳамда латерал томонга қораб кесиш давом эттирилади. Худди шунга ўхшаш кесиш бармоқнинг палмар томонидан ҳам вертикал бажарилади. Бунда олдинги латерал ва медиал кесимлар бир-бирига қўшилади. Бармоқ устида ҳосил бўлган тери парчасини проксимал биринчи фаланганинг юқори томонига ва шунингдек бармоқ оралик ёриғининг латерал томон чегарасига қараб тери қавати ажратилади ва у тескари қилиб юқорига ташлаб қўйилади. Иккинчи бармоқнинг дорсал қисмида терини ажратиш натижасида унча катта бўлмаган уч бурчак ҳосил бўлади. Қон оқаётган томирлар боғланади. Биринчи бармоқ суягининг дистал қисми текислигигача тушоқ, кунжутсимон, суяк оралик боғлами ва панжа оралик ёғ тўқималари қайчи билан кесилади ва тушоқ суяги аррланади. Бармоқ олиб ташлангандан сўнг зарарланган тўқималар олиб ташланади, кон томирлар боғланади. Жароҳатга антибиотик ва сулфаниламид кукунлари сепилади, сўнгра тери лаблари бир-бирига яқинлаштирилиб узлукли чок қўйиб тикиб ташланади.

Дёгт ва вазилин аралашмасига шимдирилган дока боғлам қўйилади, агар жароҳатда некрозга учраган тўқималар бўлмаса ва йирингли жараён ривожланмаса жароҳат бирламчи тортилиш билан битади.

Туёқнинг махсус (Рустенгольц) яраси

Туёқнинг махсус яраси асосан юқори сут маҳсулдорли сигирларда кўп учрайди (О.Дитц., Н.С.Островский). Айрим ҳолларда ёш ҳайвонлар ва бўқалар касалланади. Бу касаллик кўпроқ ҳайвонларнинг орқа оёқларининг латерал туёқчаларида учрайди)



Рустергольц яраси

Бу касаллик хайвонларни тор ва чамбаракли темир полларда сақланганда, шу билан бирга туёқларни ўз вақтида қирқмаслик оқибатида келиб чиқади.

Хайвонларда касалликнинг белгилари, унинг кечиш даврига ва оғирлигига боғлиқ бўлади. Касаллик бошланишида, хайвонларда иштаханинг пасайиши, аста-секин тана вазнининг ва сутнинг камайиши кузатилади. Касал хайвон кўп ётади, аста-секин ҳаракатланади, кейинчалик таянч оқсаш кузатилади. Хайвонларда оқсаш нотекис жойларда юрганда кучли намоён бўла бошлайди. Туёқ товони кўздан кечирилганида патологик ўчоқдаги шох қават кулранг сариқ, қизғиш-сариқ ёки тўқ кизил рангга эга бўлиб, ўзининг эгилувчанлигини ва мустаҳкамлигини йўқотган бўлади. Кейинчалик бу шох қават кўчиб ўрнига яра ҳосил бўлади ва у ерда йирингли – некротик жараён кузатилади.

Даволашда биринчи навбатда касалликни келтириб чиқарган этиологик омиллар бартараф этилади. Касал хайвон фиксация қилиниб шикастланган бармоқ тозаланади ва туёқнинг ўсган қисми кесиб ташланади, илиқ сувда совун ёки 5%ли калий перманганат билан ювилади. Бармоқ нервлари оғриқсизлантирилиб, операция майдони тайёрланади ва бармоқ жгут билан боғланади.



Йирингли пододерматитда олд ёқларнинг кўйилиши.

Шундан сўнг ажралган ўлган ва патологик шох туқималар кесиб олиб ташланади. Бармоқнинг чуқур букувчи пайининг пастки қисми некрозга учраган бўлса, пай қисман кесиб олиб ташланади.

Жгут ечилади агар қон томирлардан қон оқса томирларга чок кўйилади, агар оқмаса жароҳатга антибиотиклар (окситетрациклин, тетрациклин) ва сульфаниламидлар ёки майдаланган калий перманганат ва бор кислотасидан тенг миқдордаги кукунлар сепилади.

Шу тартибда даволаш муолажаси кўлланилгандан кейин, жароҳатга боғлам кўйилади. Дёгт ёки скипидарга тенг миқдорда вазелин аралаштириб докага шимдирилади ва у дока жароҳат ичига кўйилади ва устидан бинт билан боғлаб ташланади.

Касал ҳайвон текис ва қуруқ жойда сақлаб даволанади.

3.3. Қоракўл кўйларда бўғимнинг йирингли яллиғланишларини даволаш

3.3.1. Клиник кўрсаткичлар

Анамнез маълумотларни йиғиш ва клиник текширишлар ўтказиш билан ҳайвонларда туёқ қисми жароҳатланишларининг турлари ва характери аниқланиб, ҳайвонларнинг асосан туёқ айланаси флегмонаси ва йирингли артрит билан касалланганлиги аниқланди. Биринчи гуруҳдаги ҳайвонларнинг икки бошида туёқ айланаси флегмонаси ва бир бош ҳайвонда йирингли

артрит ва иккинчи гуруҳда икки бош ҳайвонда туёқ айланаси флегмонаси ва бир бош ҳайвонда йирингли артрит аниқланиб, қуйидаги клиник белгилар яъни, туёқ айланаси флегмонаси билан жароҳатланган бўғин соҳасининг шишганлиги, оғриқли бўлиши ва флюктуация кузатилди. Ҳайвонлар оёқларининг жароҳатланган бўғинларни бировз буккан ҳолатда, оёқларнинг учки қисмини босиб туради. Ҳаракатланганда кучли оқсаш кузатилади. Ҳайвонларда ҳолсизланиш, тана ҳароратининг ўртача 1-2 °C га кўтарилиши, жароҳатланган бўғиннинг қарама-қарши оёқ бўғинига нисбатан катталаниши, тери эластиклигининг йўқолиши, қайд этилди, бўғин капсуласи катталашган, бўғин бўртиклари қийинлик билан пайпасланади, тутқичлари қалинлашган, эластиклиги пасайган, бўғинларнинг пассив ҳаракати чегараланган ва оғриқли. Туёқ айланаси флегмонаси ҳам ҳар хил даражадаги оқсаш, яллиғланиш хусусиятли шишлар пайдо бўлиши билан характерланди.

Йирингли артрит билан касалланган ҳайвонларда клиник белгилар умумий ҳолсизланиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, бўғинлар контурининг катталаниши, бўғин дивертикулаларининг таранглашуви ва пассив ҳаракат пайтида кучли оғриқ сезиш билан характерланди. Пайпасланганда бўғинда флюктуация ва маҳаллий ҳароратнинг кўтарилиши, ҳаракатнинг чегараланиши кузатилади. Ҳайвон жароҳатланган оёқларини ярим буккан ҳолатда, туёқ учларини босиб туради. Жароҳатнинг тешилган жойидан сарғич кўкимтир рангли йирингли экссудат оқади. Жарроҳлик муолажаларини ўтказишдан олдин касал ҳайвонлар ҳолсизланган, тана ҳарорати кўтарилган, нафас ва пульс частотаси тезлашган, иштаҳа пасайган ва овқат ҳазм қилиш аъзоларининг фаолияти пасайган эди.

Жарроҳлик муолажалари ўтказилгач, даволашнинг 3-5- кунларига келиб анъанавий усулларга қўшимча равишда ультрабинафша нурлари билан ишланган аутоқон юборилган иккинчи тажриба гуруҳидаги туёқ айланаси флегмонаси билан касалланган ҳайвонларнинг умумий ҳолати анча

яхшиланиши ва тана ҳароратининг меъёрлар чегарасигача пасайиши кузатилди. Бўғинларнинг шиши пасайган бўлсада, ҳайвонлар жароҳатланган бўғинни ярим буккан ҳолатда тутуди. Ҳаракатланганда оқсаш ва оғриқ кузатилади.

Даволашнинг 7-10- кунларига келиб, яллиғланиш реакциясининг секинлашиши, шишларнинг йўқолиши, пассив ҳаракат пайтида эса бироз оғриқ сезиш кузатилди, даволашнинг 15-кунига келиб, жароҳатланган бўғин функциясининг ҳамда морфологик тузилишининг тўлиқ тикланиши қайд этилди. Бу гуруҳдаги туёқ айланаси флегмонаси билан оғриган ҳайвонларда жарроҳлик муолажасидан кейин даволашнинг 5-кунига шишлар, оғриқ сезиш ва оқсаш кузатилиб, тана ҳарорати, пульс ва нафас частотасининг физиологик меъёрлар чегарасида бўлиши қайд этилди. Лекин ҳайвонларда ҳаракатланиш пайтида оғриқ сезиш, туёқ айланаси соҳасида оғриқли шиш сақланиб қолди.

Даволашнинг 10-кунига келиб, бироз шиш сақланиб қолган бўлсада, оқсаш ва оғриқ сезиш, 18-кунига келиб эса шишлар бутунлай йўқолди ва бўғинлар функциясининг тўлиқ тикланиши қайд этилди. Бу гуруҳдаги йирингли артрит билан касалланган ҳайвонларда жарроҳлик муолажасидан 5 кун кейин тана ҳароратининг физиологик меъёрлар чегарасида бўлиши ва умумий ҳолатнинг яхшиланиши кузатилган бўлсада, бўғин контурининг катталашуви ва дивертикуласининг таранглашганлиги, ҳаракат пайтида оғриқ ва кучсиз оқсаш сақланиб қолди. Даволашнинг 10-кунига келиб, яллиғланиш жараёнининг пасайиши, бўғин капсуласи зўриқишининг, оқсашнинг ва оғриқ сезишнинг камайиши қайд этилиб, текширишларнинг 22-кунига ҳайвонларда жароҳатланган бўғин контурининг меъёрдаги анатомик ҳолатда эканлиги пайпасланганда оғриқсиз, ҳамда шишлар йўқолганлиги қайд этилди. Бўғин капсуласи бироз қалинлашган бўлсада, катталиги ва бўғинларнинг ҳаракатида соғлом оёқлардан фарқлар кузатилмади.

Анъанавий усуллар билан даволанган биринчи гуруҳдаги туёқ айланаси флегмонаси билан касалланган ҳайвонларда жарроҳлик муолажасидан беш кун кейин тана ҳароратининг бироз пасайиши, бўғиннинг катталашганлиги ва шишганлиги, пальпация ва пассив ҳаракат вақтида кучли оғриқ сезиш ва оқсаш ҳарактерли бўлди. Даволашнинг 10-кунига келиб, яллиғланиш жараёнининг анча секинлашиши билан бирга, пассив ҳаракат вақтида оғриқ сезиш, оқсаш кузатилди, кузатишларнинг 20-кунига келиб бўғинлар анатомик тузилишининг ва функциясининг тўлиқ тикланиши қайд этилди.

Ушбу гуруҳдаги туёқ айланаси флегмонаси билан касалланган ҳайвонларда жарроҳлик муолажасидан кейинги 5-кунда маҳаллий ҳароратнинг кўтарилиши ва гиперемия, бўғинининг катталашиши, пайпасланганда оғриқ сезиш ва оқсаш кузатилди.

Даволашнинг 15-кунидан бошлаб оқсаш, гиперемия, шишлар ва пассив ҳаракат вақтида оғриқ сезишнинг анча камайганлиги қайд этилди. Даволашнинг 20-кунига келиб, бу белгиларнинг йўқолиши ва бўғин функциясининг тўлиқ тикланиши кузатилди. Бу гуруҳдаги йирингли артрит билан касалланган ҳайвонларда даволашнинг 20-кунигача бўғинларнинг катталашиши ва шиши, пайпасланганда ҳамда пассив ҳаракат пайтида оғриқ сезиш белгилари сақланиб қолди ва даволашнинг 25-кунига келиб яллиғланиш белгиларининг йўқолиши, жароҳатланган бўғин анатомик тузилиши ҳамда функциясининг меъёрда бўлиши қайд этилди.

Шундай қилиб, ҳайвонлар туёқ айланаси флегмонасини даволашда анъанавий усуллар қўлланилиб, патологик ўчоқ йирингдан тозалангандан кейинультрабинафша нурлари билан ишланган аутоқон ва бўғим ичига хондролон қўллаш яхши натижа берди, яъни биринчи гуруҳдаги ҳайвонларни анъанавий усуллар билан даволаш ўртача 20-25кун давом этган бўлса, ультрабинафша нурлари билан ишланган аутоқон ва хондролон қўлланилган гуруҳда эса 18-22 кунни ташкил этди.

3.3.2. Морфо-биокимёвий кўрсаткичлар

Коракўл кўйлар туёқ областида учрайдиган йирингли-некротик жараёнларни даволаш ва улар организмига ультрабинафша нури ёрдамида нурлантирилган аутоқон ва хондролоннинг таъсирини ўрганиш мақсадида 6-бош коракўл кўйларда тажрибалар ўтказилди. Ажратилган касал ҳайвонлар 2- гуруҳга бўлинди.

Биринчи гуруҳ ҳайвонларига қуйидаги даволаш муолажалари қўлланилди. Бунда операциядан 1-кун олдин барча тажрибадаги ҳайвонларнинг туёқлари кесиб тозаланди.

Шикастланган бармоқ атрофи жунлари олиниб, 2-3 % калий перманганатнинг илиқ эритмаси билан ювилди ва боғлам қўйилди.

Барча тажрибада ҳайвонларда операциялар ётқизилган ҳолатда амалга оширилди. Операция майдони спирт билан артилди ва 2 марта 3% йоднинг спиртли эритмаси суртилди.

Операциядан кейин ҳайвонларнинг мускул орасига Бицилин-3 антибиотигидан 1 кг тирик вазнига 4000 Т.Б. ва вена қон томирига 10%ли норсульфазол сульфаниламид препаратидан 0,02 г1 кг тирик вазнига юборилди.

Иккинчи тажриба гуруҳи ҳайвонларига ҳам худди шундай оператив ва консерватив даволаш усуллари қўлланилди, патологик ўчоқ йирингдан тозалангандан кейин қўшимча даволаш сифатида 0,5 мл/кг тирик вазнига ультрабинафша нури билан нурлантирилган аутоқон мускул орасига, хондролон эса бўғим ичига юборилди.

Тажрибадаги ҳайвонларда тажрибагача ва тажрибанинг 5-10-15 ва 25-кунлари қон олиниб, улар қонидаги айрим морфо-биокимёвий кўрсаткичлар текшириб борилди.

Тажрибадаги ҳайвонларга оператив усул билан консерватив усул биргаликда қўлланилганда уларнинг қонидаги эритроцитлар сони

тажрибанинг 5-кунида 2,%га, 10-кунида 6,2%га ва фақатгина 25-кунига келиб 10,4%га ошганлиги қайд қилинди. (2-жадвал)

Қондаги лейкоцитлар сони кузатишларнинг 5-кунида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 6,6%га ошган бўлса, тажрибанинг 10-кунига келиб 9,3%га, 15-кунига 5,3%га, ва 25-кунга келиб эса 13,3 %га ошганлиги кузатилди. Қонда гемоглобиннинг концентрацияси тажрибанинг дастлабки кунлари унчалик ўзгармаган бўлсада, тажрибанинг 10-кунига келиб 29,4 % га, 15-кунига 23,5 % га ва 25-кунига келиб эса 7 % га дастлабки кўрсаткичларга нисбатан ошганлиги аниқланди.

Лимфоцитлар тажрибанинг 5-кунида 5,2 %га камайган бўлса, тажрибанинг 10-кунига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 7,8 %га ошган бўлса, 15-кунига ва 25-кунларига келиб эса шунга мос равишда 2,7 - 7,9 %га камайганлиги қайд қилинди.

Ультрарбинафша нурлари билан ишланган аутоқон ва хондролон юборилган иккинчи гуруҳдаги ҳайвонларда тажрибанинг 5-кунида эритроцитлар сони 17,2 % га ошган бўлса, даволашнинг 10-кунига келиб 19,1 %га, 15-кунда 8,5 %га, ва тажрибанинг 25-кунига келиб эса 4,2 %га ошганлиги аниқланди. Қондаги лейкоцитлар сони бу гуруҳдаги ҳайвонларда даволашнинг 5-кунида 8,5 %га, 10-кунида 5,7 %га, 25-кунига келиб эса 11,2 % га ошганлиги кузатилди.

Худди шундай ўзгаришлар қондаги гемоглобин миқдорида ҳам аниқланиб, бунда тажрибанинг 5-кунида улар миқдори 15 %га ошган бўлса, даволашнинг кейинги, яъни 10-кунида 27 %га, 15-кунида 26,2 %га ва тажрибанининг 25-кунига эса 11,2 %га ошди.

Иккинчи гуруҳ ҳайвонлари қонидаги лимфоцитлар миқдори ҳам тажрибанинг 5-кунида 20,5 %га ошган бўлса, 10-кунга келиб эса 17,6 %га, 15-кунда 8,8 %га даволашнинг 25-кунига келиб 2,9 %га кўпайди. (3-жадвал)

Тажрибадаги биринчи гуруҳ қорақул куйлар қонидаги морфологик кўрсаткичлар.

№	Кўрсаткичлар	Биометрик кўрсаткич	Тажриба бошида	Тажриба кунлари			
				5	10	15	25
1	Эритроцитлар	$m \pm m$	$4,8 \pm 0,13$	$4,9 \pm 0,05$	$5,1 \pm 0,04$	$5,2 \pm 0,05$	$5,3 \pm 0,06$
	млн\мкл	%	100	102,0	106,2	108,3	110,4
2	Лейкоцитлар	$m \pm m$	$7,5 \pm 0,3$	$8 \pm 0,4$	$8,2 \pm 0,2$	$7,9 \pm 0,5$	$8,5 \pm 0,5$
	минг\мкл	%	100	106,6	109,3	105,3	113,3
3	Гемоглобин	$m \pm m$	$85 \pm 1,1$	$95 \pm 1,3$	$110 \pm 1,4$	$105 \pm 1,8$	$91 \pm 1,3$
	Г/л	%	100	111,7	129,4	123,5	107
4	Лимфоцит	$m \pm m$	$38 \pm 1,0$	$40 \pm 1,4$	$41 \pm 1,4$	$37 \pm 1,6$	$35 \pm 1,7$
	%	%	100	105,2	107,8	97,3	92,1

Тажрибадаги иккинчи гуруҳ қоракул куйлар қонидаги морфологик кўрсаткичлар.

№	Кўрсаткичлар	Биометрик кўрсаткич	Тажриба бошида	Тажриба кунлари			
				5	10	15	25
1	Эритроцитлар	$m \pm m$	$4,7 \pm 0,11$	$5,5 \pm 0,08$	$5,6 \pm 0,9$	$5,1 \pm 0,3$	$4,9 \pm 0,04$
	млн\мкл	%	100	117,2	119,1	108,5	104,2
2	Лейкоцитлар	$m \pm m$	$7,1 \pm 0,1$	$8,3 \pm 0,1$	$8,1 \pm 0,2$	$7,1 \pm 0,06$	$7,9 \pm 0,08$
	минг\мкл	%	100	108,5	105,7	100,0	111,2
3	Гемоглобин	$m \pm m$	$80 \pm 1,3$	$92 \pm 1,1$	$110 \pm 1,1$	$101 \pm 1,7$	$89 \pm 2,6$
	Г/л	%	100	115,0	127	126,2	111,2
4	Лимфоцит	$m \pm m$	$34 \pm 1,0$	$41 \pm 1,2$	$40 \pm 1,0$	$37 \pm 1,8$	$35 \pm 1,4$
	%	%	100	120,5	117,6	108,8	102,9

Олинган маълумотлардан маълум бўлдики, оператив ва консерватив усуллар билан даволанган ҳайвонларнинг қонидаги морфологик кўрсаткичларга нисбатан, қўшимча ультрабинафша нури билан нурлантирилган аутоқон ва хондролон қўлланилган гуруҳлардаги қоннинг морфологик кўрсаткичлари тажриба давомида яхшиланиб борганлиги кузатилди.

Тажрибалар бошида тажрибадаги ҳайвонлар қонининг оксил спектори ўрганилганда, улар қонидаги кўрсаткичларида деярли фарқлар кузатилмаган бўлсада, текширишларнинг 5-кунида биринчи гуруҳ ҳайвонлари қонида оксил миқдори 2,8 %га, 10-кунга 4,2 %га, 15-кунга келиб 7 %га ошганлиги ва даволашнинг 25-кунида 4,5 %га камайганлиги кузатилди. Альбуминлар миқдорида тажриба давомида кўпайиб бориб, улар миқдори тажрибанинг 5-кунида 5,5 %га, 10-кунда 11,1 %га, 15-кунда 16,6 %га ошганлиги ва 25-кунга келиб эса 7,2 %га камайганлиги кузатилди.

Қондаги α -глобулинлар миқдори тажрибанинг 5-кунида 13,3 %га, 10-кунда 20 %га, 15-кунда 13,3 %га ва 25-кунга келиб эса 6,6 %га кўпайди. Қондаги β -глобулинлар миқдори тажрибанинг 5-кунида 16,6 %га, тажрибанинг 10-кунига келиб 22,2 % га, 15-кунида 27,7% га ва 25-кунга келиб 5,5 %га ошганлиги қайд қилинди. (4-жадвал)

Биринчи гуруҳ ҳайвонлари қонидаги γ -глобулинлар миқдори тажриба охиригача кўпайиб борганлиги кузатилиб, бунда улар миқдори тажрибанинг 5-кунида 12,5 %га, 10-кунида 31,2 %, 15-кунига келиб 12,5 % га ошган бўлса, тажриба охири, яъни 25-кунга келиб 5,8 %га камайганлиги аниқланди.

Иккинчи гуруҳ ҳайвонлари, яъни қўшимча ультрабинафша нурлари билан нурлантирилган аутоқон ва хондролон қўлланилган гуруҳдаги ҳайвонлар қони текширилганда, тажрибанинг 5-кунига келиб улар қонидаги оксил миқдори 10 %га, 10-кунда 11,4 %га, 15-кунда эса 5,7 %га ва 25-кунга келиб эса 12,8 %га ошганлиги кузатилди. Шунга ўхшаш ўзгаришлар қондаги албуминлар миқдорида ҳам кузатилди, яъни бунда тажрибанинг 5-кунида

улар миқдори 5,4 %га, 10-кунда 10,8 %га ва 25-кунига келиб 5,4 %га кўпайганлиги қайд қилинди. (5-жадвал)

Қондаги α -глобулинлар миқдори даволашнинг охиригача кўпайиб борганлиги кузатилди, бунда тажрибанинг 5-кунида улар сони 14,2%га, 10-кунида 42,8 %, 15-кунида 21,4 % га ошган бўлса, тажрибанинг 25-кунига 7,5%га кўпайди.

Тажрибадаги иккинчи гуруҳ ҳайвонлари қонидаги β -глобулинлар миқдорида ҳам кескин ўзгаришлар кузатилиб, тажрибанинг бошида улар миқдори кўпайиб, 10-кунига 31.5 % га кўпайди, 25-кунига келиб эса дастлабки кўрсаткичларга нисбатан тажриба охирида 5,3 %га камайганлиги қайд қилинди.

Худди шундай ўзгаришлар қондаги γ -глобулинлар миқдорида кузатилиб, улар миқдори тажрибанинг 5-кунида 26,6 %га ошган бўлса, 10-кунга келиб 46,6 %га кўпайди 15 ва 25-кунлари шунга мос равишда 13,5-6,6 % га ошганлиги аниқланди.

Тажрибадаги биринчи гуруҳ қорақул қуйлар қонидаги биокимёвий кўрсаткичлар.

№	Кўрсаткичлар	Биометрик кўрсаткич	Тажриба бошида	Тажриба кунлари			
				5	10	15	25
1	Умумий оқсил	м ±m	71±1,0	73±0,9	74±0,6	76±0,8	68±0,7
	г/л	%	100	102,8	104,2	107	95,5
2	Албуминлар	м ±m	36±0,1	38±0,6	40±0,5	42±0,9	33±1,0
	%	%	100	105,5	111,1	116,6	92,8
3	α-глобулин	м ±m	15±0,2	17±0,1	18±0,3	17±0,6	16±0,1
	%	%	100	113,3	120	113,3	106,6
4	β- глобулин	м ±m	18±0,5	21±0,3	22±0,2	23±0,6	19±0,2
	%	%	100	116,6	122,2	127,7	105,5
5	γ -глобулин	м ±m	16±0,6	18±0,7	21±0,8	18±0,9	15±0,4
	%	%	100	112,5	131,2	112,5	94,2

5– жадвал.

Тажрибадаги иккинчи гуруҳ қорақул қуйлар қонидаги биокимёвий кўрсаткичлар.

№	Кўрсаткичлар	Биометрик кўрсаткич	Тажриба бошида	Тажриба кунлари			
				5	10	15	25
1	Умумий оксил	м ±m	70±1,3	77±1,1	78±1,2	74±1,4	79±1,3
	г/л	%	100	110	111,4	105,7	112,8
2	Албуминлар	м ±m	37±0,5	39±0,9	41±0,6	36±0,7	39±0,8
	%	%	100	105,4	110,8	97,2	105,4
3	α-глобулин	м ±m	14±0,2	16±0,4	20±0,7	17±0,3	15±0,2
	%	%	100	114,2	142,8	121,4	107,8
4	β- глобулин	м ±m	19±0,5	23±0,4	25±0,6	20±0,3	18±0,4
	%	%	100	121,05	131,5	105,2	94,7
5	γ –глобулин	м ±m	15±0,1	19±0,2	22±0,3	17±0,4	16±0,3
	%	%	100	126,6	146,6	113,3	106,6

Олинган маълумотларни таҳлил қилинганда тажриба гуруҳи ҳайвонларида қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари назорат гуруҳи ҳайвонлари қонидаги биокимёвий кўрсаткичларига нисбатан яхшиланиб борганлиги маълум бўлди. Бунда иккинчи гуруҳ ҳайвонларида, яъни анъанавий усулларга қўшимча ультрабинафша нурлари билан нурлантирилган аутоқон ва хондролон қўлланилган гуруҳдаги ҳайвонларнинг қонидаги морфо-биокимёвий кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгарганлиги кузатилди.

IV. ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ

Республикимиз минтақасида кечаётган иқтисодий ислохотлар асосида янги мулкчиликда шаклланган типдаги хўжаликларни яратиш, бу хўжаликларни иқтисодий ва хусусий негизларини ишлаб чиқиш шу асосида аҳолини озиқ – овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш, маънавий – мавқуравий янги дунё қарашни шакллантириш катта аҳамият касб этади.

Фермер хўжаликлари ташкил этилганидан кейин, нафақат сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, балки ишлаб чиқиладиган маҳсулотлар таннархини пасайтириш муҳим аҳамият касб этади, маҳсулот таннархининг пасайтириб уларни рентабеллик даражасини оширади.

Аммо қоракўл қўйлар ўртасида турли хилдаги инфекцион, инвазион ва юқумсиз касалликлар кўп учраб, уларни ривожланишига ва маҳсулдорлигининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Шундай касалликлардан бири хирургик патологиялар ҳисобланади. Бу патология ичида қоракўл қўйлар локомотор аппаратида учрайдиган сурункали ялиғланишлар кўп учраб хўжаликларга катта иқтисодий зарар етказмоқда. Бу касалликлар оқибатида қоракўл қўйлар, тана вазни кескин камаяди ва улар эрта ҳисобдан чиқарилиб мажбурий суйилишига ҳам сабаб бўлади.

Йирингли ялиғланиш жараёни турли хилдаги механик жароҳатлар натижасида микроорганизмларнинг жароҳатга тушиши, ривожланиши ва кўпайиши натижасида ҳосил бўлиб, томирлар гиперемияси, улар ўтказувчанлигини ортиши билан намоён бўлиб, йирингли ёки йирингли–фибриноз экссудатнинг тўпланишига олиб келади (М. В. Плохотин, 1981). М. С. Борисовнинг (1991) маълумотларига кўра йиринг таркибида бўғимлар капсуласининг шикастланиши оқибатида нобуд бўлган микроорганизмларнинг бўлиши билан кечадиган йирингли жараёнлар қон томир реакциялари томирлардаги рецепторларнинг қўзғалишига олиб

келади. Бундай жараёнлар эса, синовиал қобиклар ва уларнинг сурғичларида шишлар пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики бўғимларда учрайдиган йирингли яллиғланиш жараёнлари ҳам организмда кечаётган турли туман омилларга боғлиқ бўлади, шунинг учун ҳам биринчи навбатда организм резистентлигини кўтариш шу куннинг муаммоларидан бири ҳисобланади.

Шу туфайли бу мазкур ишимизда қоракўл қўйлар ўртасида кўп учрайдиган йирингли бўғим яллиғланишларининг этиопатогенози, диагностикаси, даволаш ва олдини олишнинг самарали ва замонавий усуллари ишлаб чиқишни ўз олдимишга мақсад қилиб олдик.

Мамлакатимизда чорвачиликга ихтисослашган шахсий фермер хўжаликлари кундан кунга кўпайиб, ҳукуматимиз томонидан берилаётган имтиёзлар ҳисобида ривожланиши, ветеринария мутахассислари олдига янги вазифаларни қўймоқда. Шахсий фермерлар хўжаликлари раҳбарлари ўзлари янги тартибда иш юритиб, айрим ветеринария чора–тадбирларини ўз вақтида ўтказишда анча қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Кўпчилик шахсий фермер хўжаликларида зоогигиеник қоидалар ва озиклантириш тартиби бузилиши оқибатида ҳайвонлар ўртасида турли хилдаги очик ва ёпиқ механик шикастланишлар келиб чиқмоқда. Бу эса хўжаликлардаги қоракўл қўйлар йирингли-некротик бўғим касалликларининг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда ва оқибатда катта иқтисодий зарар етказмоқда. Бундай касалликлардан бири қоракўл қўйлар туёқ бўғими йирингли-некротик яллиғланиш жараёнлари бўлиб, унинг оқибатида ҳайвонлар иш фаолияти ва махсулдорлигининг кескин пасайишига сабаб бўлмоқда.

Кўпчилик фермер хўжаликлар ҳайвонларни нотўғри сақлаш у ердаги зоогигиеник талабларнинг тузилиши сезиларли даражада шикастланишларнинг ривожланишига сабаб бўлмоқда. Кўпчилик шикастланишларни келиб чиқишига жумладан бўғимлар паталогиясининг ривожланишига сабаб бўлувчи омилларга туёқларни нотўғри қирқиш,

хайвонларни сақлаш, уларни нотўғри ташиш ҳамда етарли даражада озиклантирмаслик асосан қоракўл қўйлар оёқларида тендинит, артрит ва артрозлар кузатилади, шунинг учун ҳам биз ушбу ишимизда қоракўл қўйлар туёқ бўғимлари анатомо-топографик тузилиши, физиологик хусусиятлари, туёқ бўғимида йирингли патологик жараёнларининг ривожланишига сабаб бўладиган омиллар, патологик жараённинг патогенези, диагностикаси, даволаш ва олдини олиш чора тадбирларини ўрганиб, хайвонларни маҳсулдорлигини ва иш фаолиятини тиклашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

Илмий текширишлар ва тажрибалар Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, ветеринария, зоотехния ва қоракўлчилик факультетининг «Хайвонлар анатомияси, физиологияси, жарроҳлиги ва фармакология» кафедрасида, институт ўқув полигонидида касал қоракўл қўйларида ва Республика шошилинич тез ёрдам маркази Самарқанд филиалининг «Лазер» марказида, вилоят марказий шифохонаси лабораторияларида ўтказилди.

Туёқ бўғими флегмонаси билан касалланган қоракўл қўйлар ажратилиб, уларда қоннинг гематологик ва патологик жараённинг жойлашган жойи ва ўзгаришлари текширилди, уларни даволаш мақсадида Ультрабинафша нури билан нурлантирилган аутоқоннинг таъсирини таққослаб ўрганилди.

Бунинг учун ажратилган 6 бош хайвонлар 2 гуруҳга ажратилиб, уларга қуйидаги муолажалар қўлланилди.

Бунда биринчи гуруҳ хайвонлари анъанавий усулларда яъни операция майдони тайёрланиб, оғриқсизлантирилди сўнгра пункция қилиниб ичидаги йирингли экссудат чиқарилиб кесилди. Жароҳат ичи фурацилиннинг 1: 5000 нисбатдаги илиқ эритмаси билан ювилди ва жароҳат атрофига 0,5 % ли новокаин ва гентамицин антибиотиғи бўғим ичига инъекция қилинди, сўнгра АСД-3 фракцияси дренаж сифатида жароҳатга қўйилди. Вена қон томирига 10 % ли глюкоза, витамин С ва витамин В₁₂ аралаштирилиб юборилди.

Иккинчи тажриба гуруҳи ҳайвонларида ҳам анъанавий даволаш усуллари қўлланилди. Қўшимча равишда аутоқон ультрабинафша нури билан нурлантирилиб, ҳайвонларнинг мускул орасига 0,5 мл/кг тирик вазнига ва бўғим ичига хондролон дориси юборилди. Даволаш муолажаси ҳар 2 кунга бир марта, жами 3 марта қўлланилди.

Тажрибадаги қоракўл қўйлардан олинган қонга ультрабинафша нурлари билан ишлов беришда Н.Ш.Давлатов, Р.М.Таштемиров, Ю.Худоклинова, Ҳ.Б.Ниёзовлар томонидан тавсия этилган услубда нурлар тўлқин узунлиги 254 НМ бўлган ВРМ – 1 лампаси ўрнатилган БОП – 4 аппаратида фойдаланилди.

Қоракўл қўйлардан олинган қонга нурлар билан ишлов бериш учун ҳажми 250 мл бўлган иккита тиббиёт бутиллари олиниб, улардан бири гепарин эритмаси ёрдамида стабиллаштирилган қон билан тўлғазилди.

Биринчи бутилдаги қонни иккинчи бутилга кварц шиша найчалар орқали ўтишида уларга нурлар билан ишлов берилди. Кварц трубалардан ўтаётган қоннинг тезлиги мурватчалар ўрдамида тўғирланиб, ультрабинафша нурлари билан ишлов беришда 0,83 мл/сонияни ташкил этди.

Икки гуруҳдаги ҳайвонлар бир хил шароитда сақланди ва озиқлантирилди. Организмга ультрабинафша нурлари билан ишланган аутоқоннинг таъсирини таққослаб ўрганиш мақсадида **тажрибадаги ОТлар** тажрибаларнинг бошида ва аутоқон юборилгандан кейин 5–10–15–25 кунлари клиник текширишлардан ва улардан олинган қон намуналари морфо – биокимёвий кўрсаткичлари бўйича лаборатор текширишдан ўтказилди.

Клиник текширишлар ўтказиш билан ҳайвонларда туёқ қисми жароҳатланишларининг турлари ва характери аниқланиб, ҳайвонларнинг асосан туёқ айланаси флегмонаси ва йирингли артрит билан касалланганлиги аниқланди ва уларда куйидаги клиник белгилар яъни, туёқ айланаси

флегмонаси билан жароҳатланган бўғин соҳасининг шишганлиги, оғриқли бўлиши ва флюктуация кузатилди. Ҳайвонлар оёқларининг жароҳатланган бўғинларни биров буккан ҳолатда, оёқларнинг учки қисмини босиб туради. Ҳаракатланганда кучли оқсаш кузатилади. Туёқ айланаси флегмонаси ҳам ҳар хил даражадаги оқсаш, яллиғланиш хусусиятли шишлар пайдо бўлиши билан ҳарактерланди.

Йирингли артрит билан касалланган ҳайвонларда клиник белгилар умумий ҳолсизланиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, бўғинлар контурининг катталаниши, бўғин дивертикулаларининг таранглашуви ва пассив ҳаракат пайтида кучли оғриқ сезиш билан ҳарактерланди. Пайпасланганда бўғинда флюктуация ва маҳаллий ҳароратнинг кўтарилиши, ҳаракатнинг чегараланиши кузатилади. Ҳайвон жароҳатланган оёқларини ярим буккан ҳолатда, туёқ учларини босиб туради. Жароҳатнинг тешилган жойидан сарғич кўкимтир рангли йирингли экссудат оқади. Жарроҳлик муолажаларини ўтказишдан олдин касал ҳайвонлар ҳолсизланган, тана ҳарорати кўтарилган, нафас ва пульс частотаси тезлашган, иштаҳа пасайган ва овқат ҳазм қилиш аъзоларининг фаолияти пасайган эди.

Жарроҳлик муолажалари ўтказилгач, даволашнинг 3-5- кунларига келиб анъанавий усулларга қўшимча равишда неон-гелий лазер нурлари билан ишланган аутоқон юборилган иккинчи тажриба гуруҳидаги туёқ айланаси флегмонаси билан касалланган ҳайвонларнинг умумий ҳолати анча яхшиланиши ва тана ҳароратининг меъёрлар чегарасигача пасайиши кузатилди. Бўғинларнинг шиши пасайган бўлсада, ҳайвонлар жароҳатланган бўғинни ярим буккан ҳолатда тутди. Ҳаракатланганда оқсаш ва оғриқ кузатилади.

Даволашнинг 7-10- кунларига келиб, яллиғланиш реакциясининг секинлашиши, шишларнинг йўқолиши, пассив ҳаракат пайтида эса биров оғриқ сезиш кузатилди, даволашнинг 15-кунига келиб, жароҳатланган бўғин функциясининг ҳамда морфологик тузилишнинг тўлиқ тикланиши қайд

этилди. Бу гуруҳдаги туёқ айланаси флегмонаси билан оғриган ҳайвонларда жарроҳлик муолажасидан кейин даволашнинг 5-кунида шишлар, оғриқ сезиш ва оқсаш кузатилиб, тана ҳарорати, пульс ва нафас частотасининг физиологик меъёрлар чегарасида бўлиши қайд этилди. Лекин ҳайвонларда ҳаракатланиш пайтида оғриқ сезиш, туёқ айланаси соҳасида оғриқли шиш сақланиб қолди.

Даволашнинг 10-кунига келиб, биров шиш сақланиб қолган бўлсада, оқсаш ва оғриқ сезиш, 18-кунига келиб эса шишлар бутунлай йўқолди ва бўғинлар функциясининг тўлиқ тикланиши қайд этилди. Бу гуруҳдаги йирингли артрит билан касалланган ҳайвонларда жарроҳлик муолажасидан 5 кун кейин тана ҳароратининг физиологик меъёрлар чегарасида бўлиши ва умумий ҳолатнинг яхшиланиши кузатилган бўлсада, бўғин контурининг катталашуви ва дивертикуласининг таранглашганлиги, ҳаракат пайтида оғриқ ва кучсиз оқсаш сақланиб қолди. Даволашнинг 10-кунига келиб, яллиғланиш жараёнининг пасайиши, бўғин капсуласи зўриқишининг, оқсашнинг ва оғриқ сезишнинг камайиши қайд этилиб, текширишларнинг 22-кунида ҳайвонларда жароҳатланган бўғин контурининг меъёрдаги анатомик ҳолатда эканлиги пайпасланганда оғриқсиз, ҳамда шишлар йўқолганлиги қайд этилди. Бўғин капсуласи биров қалинлашган бўлсада, катталиги ва бўғинларнинг ҳаракатида соғлом оёқлардан фарқлар кузатилмади.

Анъанавий усуллар билан даволанган биринчи гуруҳдаги туёқ айланаси флегмонаси билан касалланган ҳайвонларда жарроҳлик муолажасидан беш кун кейин тана ҳароратининг биров пасайиши, бўғиннинг катталашганлиги ва шишганлиги, пальпация ва пассив ҳаракат вақтида кучли оғриқ сезиш ва оқсаш ҳарактерли бўлди. Даволашнинг 10-кунига келиб, яллиғланиш жараёнининг анча секинлашиши билан бирга, пассив ҳаракат вақтида оғриқ сезиш, оқсаш кузатилди, кузатишларнинг 20-кунига келиб

бўғинлар анатомик тузилишининг ва функциясининг тўлиқ тикланиши қайд этилди.

Ушбу гуруҳдаги туёқ айланаси флегмонаси билан касалланган ҳайвонларда жарроҳлик муолажасидан кейинги 5-кунида маҳаллий ҳароратнинг кўтарилиши ва гиперемия, бўғинининг катталашishi, пайпасланганда оғриқ сезиш ва оқсаш кузатилди.

Даволашнинг 15-кунидан бошлаб оқсаш, гиперемия, шишлар ва пассив ҳаракат вақтида оғриқ сезишнинг анча камайганлиги қайд этилди. Даволашнинг 20-кунига келиб, бу белгиларнинг йўқолиши ва бўғин функциясининг тўлиқ тикланиши кузатилди. Бу гуруҳдаги йирингли артрит билан касалланган ҳайвонларда даволашнинг 20-кунигача бўғинларнинг катталашishi ва шиши, пайпасланганда ҳамда пассив ҳаракат пайтида оғриқ сезиш белгилари сақланиб қолди ва даволашнинг 25-кунига келиб яллиғланиш белгиларининг йўқолиши, жароҳатланган бўғин анатомик тузилиши ҳамда функциясининг меъёрда бўлиши қайд этилди.

Шундай қилиб, қоракўл қўйлар туёқ айланаси флегмонасини даволашда аъанавий усуллар қўлланилиб, патологик ўчоқ йирингдан тозалангандан кейин ультрабинафша нурлари билан ишланган аутоқон ва бўғим ичига хондролон қўллаш яхши натижа берди, яъни биринчи гуруҳдаги ҳайвонларни аъанавий усуллар билан даволаш ўртача 20-25 кун давом этган бўлса, ультрабинафша нурлари билан ишланган аутоқон ва хондролон қўлланилган гуруҳда эса 18-22 кунни ташкил этди.

Тажрибадаги ҳайвонларда тажрибагача ва тажрибанинг 5-10-15 ва 25-кунлари қон олиниб, улар қонидаги айрим морфо-биокимёвий кўрсаткичлар текшириб борилди.

Тажрибадаги ҳайвонларга оператив усул билан консерватив усул биргаликда қўлланилганда уларнинг қонидаги эритроцитлар сони тажрибанинг 5-кунида 2 %га, 10-кунида 6,2%га ва фақатгина 25-кунига келиб 10,4%га ошганлиги қайд қилинди.

Қондаги лейкоцитлар сони кузатишларнинг 5-кунида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 6,6%га ошган бўлса, тажрибанинг 10-кунига келиб 9,3%га, 15-кунига 5,3%га, ва 25-кунга келиб эса 13,3 %га ошганлиги кузатилди. Қонда гемоглобиннинг концентрацияси тажрибанинг дастлабки кунлари унчалик ўзгармаган бўлсада, тажрибанинг 10-кунига келиб 29,4 % га, 15-кунига 23,5 % га ва 25-кунига келиб эса 7 % га дастлабки кўрсаткичларга нисбатан ошганлиги аниқланди.

Лимфоцитлар тажрибанинг 5-кунида 5,2 %га камайган бўлса, тажрибанинг 10-кунига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 7,8 %га ошган бўлса, 15-кунига ва 25-кунларига келиб эса шунга мос равишда 2,7 - 7,9 %га камайганлиги қайд қилинди.

Ультрабинафша нурлари билан ишланган аутоқон ва хондролон юборилган иккинчи гуруҳдаги ҳайвонларда тажрибанинг 5-кунида эритроцитлар сони 17,2 %га ошган бўлса, даволашнинг 10-кунига келиб 19,1 %га, 15-кунда 8,5 %га, ва тажрибанинг 25-кунига келиб эса 4,2 %га ошганлиги аниқланди. Қондаги лейкоцитлар сони бу гуруҳдаги ҳайвонларда даволашнинг 5-кунида 8,5 %га, 10-кунида 5,7 %га, 25-кунига келиб эса 11,2 % га ошганлиги кузатилди.

Худди шундай ўзгаришлар қондаги гемоглобин миқдорида ҳам аниқланиб, бунда тажрибанинг 5-кунида улар миқдори 15 %га ошган бўлса, даволашнинг кейинги, яъни 10-кунида 27 %га, 15-кунида 26,2 %га ва тажрибанининг 25-кунига эса 11,2 %га ошди.

Иккинчи гуруҳ ҳайвонлари қонидаги лимфоцитлар миқдори ҳам тажрибанинг 5-кунида 20,5 %га ошган бўлса, 10-кунга келиб эса 17,6 %га, 15-кунда 8,8 %га даволашнинг 25-кунига келиб 2,9 %га кўпайди.

Олинган маълумотлардан маълум бўлдики, оператив ва консерватив усуллар билан даволанган ҳайвонларнинг қонидаги морфологик кўрсаткичларга нисбатан, қўшимча ультрабинафша нури билан нурлантирилган аутоқон ва хондролон қўлланилган гуруҳлардаги қоннинг

морфологик кўрсаткичлари тажриба давомида яхшиланиб борганлиги кузатилди.

Тажрибалар бошида тажрибадаги ҳайвонлар қонининг оксил спектори ўрганилганда, улар қонидаги кўрсаткичларида деярли фарқлар кузатилмаган бўлсада, текширишларнинг 5-кунида биринчи гуруҳ ҳайвонлари қонида оксил миқдори 2,8 %га, 10-кунга 4,2 %га, 15-кунга келиб 7 %га ошганлиги ва даволашнинг 25-кунида 4,5 %га камайганлиги кузатилди. Альбуминлар миқдорида тажриба давомида кўпайиб бориб, улар миқдори тажрибанинг 5-кунида 5,5 %га, 10-кунда 11,1 %га, 15-кунда 16,6 %га ошганлиги ва 25-кунга келиб эса 7,2 %га камайганлиги кузатилди.

Қондаги α -глобулинлар миқдори тажрибанинг 5-кунида 13,3 %га, 10-кунда 20 %га, 15-кунда 13,3 %га ва 25-кунга келиб эса 6,6 %га кўпайди. Қондаги β -глобулинлар миқдори тажрибанинг 5-кунида 16,6 %га, тажрибанинг 10-кунига келиб 22,2 % га, 15-кунида 27,7% га ва 25-кунга келиб 5,5 %га ошганлиги қайд қилинди.

Биринчи гуруҳ ҳайвонлари қонидаги γ -глобулинлар миқдори тажриба охиригача кўпайиб борганлиги кузатилиб, бунда улар миқдори тажрибанинг 5-кунида 12,5 %га, 10-кунида 31,2 %, 15-кунига келиб 12,5 % га ошган бўлса, тажриба охири, яъни 25-кунга келиб 5,8 %га камайганлиги аниқланди.

Иккинчи гуруҳ ҳайвонлари, яъни кўшимча ультрабинафша нурлари билан нурлантирилган аутоқон ва хондролон қўлланилган гуруҳдаги ҳайвонлар қони текширилганда, тажрибанинг 5-кунига келиб улар қонидаги оксил миқдори 10 %га, 10-кунда 11,4 %га, 15-кунда эса 5,7 %га ва 25-кунга келиб эса 12,8 %га ошганлиги кузатилди. Шунга ўхшаш ўзгаришлар қондаги албуминлар миқдорида ҳам кузатилди, яъни бунда тажрибанинг 5-кунида улар миқдори 5,4 %га, 10-кунда 10,8 %га ва 25-кунига келиб 5,4 %га кўпайганлиги қайд қилинди.

Қондаги α -глобулинлар миқдори даволашнинг охиригача кўпайиб борганлиги кузатилди, бунда тажрибанинг 5-кунида улар сони 14,2%га, 10-

кунида 42,8 %, 15-кунида 21,4 % га ошган бўлса, тажрибанинг 25-кунига 7,5%га кўпайди.

Тажрибадаги иккинчи гуруҳ ҳайвонлари қонидаги β -глобулинлар миқдорида ҳам кескин ўзгаришлар кузатилиб, тажрибанинг бошида улар миқдори кўпайиб, 10 кунга 31,5 % га кўпайди, 25-кунига келиб эса дастлабки кўрсаткичларга нисбатан тажриба охирида 5,3 %га камайганлиги қайд қилинди.

Худди шундай ўзгаришлар қондаги γ -глобулинлар миқдорида кузатилиб, улар миқдори тажрибанинг 5-кунида 26,6 %га ошган бўлса, 10-кунга келиб 46,6 %га кўпайди 15 ва 25-кунлари шунга мос равишда 13,5-6,6 % га ошганлиги аниқланди.

Олинган маълумотларни таҳлил қилинганда тажриба гуруҳи ҳайвонларида қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари назорат гуруҳи ҳайвонлари қонидаги биокимёвий кўрсаткичларига нисбатан яхшиланиб борганлиги маълум бўлди. Бунда иккинчи гуруҳ ҳайвонларида, яъни анъанавий усулларга қўшимча ультрабинафша нурлари билан нурлантирилган аутокон ва хондролон қўлланилган гуруҳдаги ҳайвонларнинг қонидаги морфо-биокимёвий кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгарганлиги кузатилди.

V. ХУЛОСА

1. Туёқ бўғимида учрайдиган йирингли некротик жараёнларни даволашда анъанавий усулларга қўшимча, йиринг ва ўлган тўқималардан тозалангандан кейин ультрабинафша нури билан нурлантирилган аутоқон 0.5 мл/кг мускул орасига ва хондролондан бўғим ичига юбориш даволаш муддатини 3 кунга қисқариши аниқланди.

2. Туёқ бўғимидаги йирингли–некротик яллиғланишларни даволашда анъанавий усулларга қўшимча ультрабинафша нури билан нурлантирилган аутоқон 0,5 мл/кг оғирлигига мускул орасида ва хондролон бўғим ичига юборилганда коракул куйлар қонининг морфологик кўрсаткичларига ижобий таъсир этиши кузатилди.

3. Туёқ бўғимидаги йирингли–некротик яллиғланишларни даволашда анъанавий усулларга қўшимча ультрабинафша нури билан нурлантирилган аутоқон 0,5 мл/кг оғирлигига мускул орасида ва хондролон бўғим ичига юборилганда коракул куйлар қонининг биокимёвий кўрсаткичларига ижобий таъсир этиши кузатилди.

VI. АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР

1.Туёқ бўғимидаги йирингли-некротик жараёнларни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан бири механик жароҳатлар ҳисобланади. Уларни олдини олишда ҳайвонлар боқиладиган майдонларни турли хилдаги ёт жисмлардан тозалаш.

2.Туёқ бўғимидаги йирингли некротик жараёнларни даволашда анъанавий усулларга қўшимча йирингдан тозаланганидан кейин ультрабинафша нури билан нурлантирилган аутоқон 0,5 мл/кг оғирлигига мускул орасида ва хондролон бўғим ичига юбориш тавсия этилади.

VII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. “Адолатли жамият сари”. Тошкент “Ўзбекистон” 1998 йил
2. Каримов И.А. “Қишлоқ хўжалик тарққиёти тўкин ҳаёт манбаи” биринчичақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 10 сессиясида сўзлаган нутқи. 1997 йил 25 декабр. Тошкент “Ўзбекистон”, 1998 й.
3. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интиломда”. Тошкент “Ўзбекистон”, 1999 йил.
4. Каримов И.А. “Кучли давлатдан кучли жамият сари”. Тошкент “Шарқ”, 1998 йил.
5. Каримов И.А. “XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тарққиёт кафолатлари”. Тошкент “Ўзбекистон”, 1997 йил.
6. Каримов И.А. “Ислохотларни амалга оширишда қатъиятли бўлайлик”. Тошкент “Ўзбекистон”, 1996 йил.
7. Каримов И.А. “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”. Тошкент “Ўзбекистон”, 1995 йил.
8. Каримов И.А. “Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. Тошкент “Ўзбекистон”, 1995 йил.
9. Каримов И.А. “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларилари чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 23 март 308-қарори.
10. Каримов И.А. “Юксак маънавият енгилмас куч” Тошкент “Ўзбекистон”, 2008 йил.
11. Каримов И.А. “ Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Тошкент “Ўзбекистон”, 2009 йил.
12. ЎзР. Вазирлар Маҳкамасининг 842-сонли қарори 2008 йил. Апрель.

13. Каримов И.А. “ Биз танлаган йўл демократик тарақиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли ” Тошкент “Ўзбекистон”, 2003 йил.
14. А.Д.Белов, И.М.Беляков, В.А.Лукьяновский Физиотерапия и физиопрофилактика болезней животных. – М: Колос, 1983. – 207 с.
15. М.С.Борисов Асептический синовит у собак //Журнал Ветеринария. – 1991. - №7. – С. 7-71.
16. Н.Ш.Давлатов, Х.Б.Ниязов ва Ю.Н.Худоклинова. Ёппасига учрайдиган бўғим касалликларида буқачалар қонининг айрим биокимёвий ўзгаришлари //Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда самарадорликни ошириш омиллари. – Самарқанд, 1996. – 72 с.
17. Н.Ш.Давлатов, Х.Б.Ниязов ва бошқ. Соғин сигирларда кенг тарқалган асептик бўғим касаллигини даволашнинг самарадор усуллари // Қишлоқ хўжалигида бозор ислохотларини кескин чуқурлаштириш муаммолари – Самарқанд, 1998. – С.74-83.
18. И.А.Калашник, И.Я.Передера и др. Практикум по общей и частной ветеринарной хирургии. – Москва: Агропромиздат 1988. – 303 с.
19. А.В.Корис Лазерное излучение для профилактики исследований заболеваний у овец // Ветеринария. – 1990.
20. Г.С.Кузнецов, Н.И.Шакалов Хирургическая патология и терапия сельскохозяйственных животных – Москва, Колос 1980. – 89-152 с.
21. Х.Б.Ниязов, Н.Ш.Давлатов ва бошқалар. Боқувдаги қорамолларда бўғим касалликлари ва унинг айрим хусусиятлари // Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда самарадорликни ошириш ва ислохотларни чуқурлаштириш йўллари – Самарқанд, 1996. – б.143-147.

4. Ҳ.Б. Ниязов, А.Х. Бозоров. Итларда йирингли бўғим касалликларини даволаш. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда ёш

тадқиқотчиларнинг роли. Иқтидорли талаба ва магистрантларнинг 2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”га бағишланган илмий-амалий конференцияси.

7. Ҳ.Б. Ниёзов, Х.Эшқувватов. Хориждан келтирилган махсулдор қорамолларда бармоқ касалликлари, унинг этиопатогенези ва клиник белгилари. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришда ёш олимларнинг эришган ютуқлари ва муаммолар Стажер-тадқиқотчи-изланувчи ва ёш олимларнинг 2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”га бағишланган илмий-амалий конференцияси Самарқанд-2011.

15. Ҳ.Б. Ниёзов, М.Г. Каримов, Д.С.Жўраев. Отларда бармоқ бўғимлари касалликларида синовио цитограммасини ўрганишнинг диагностик аҳамияти. Қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни жорий қилиш муаммолари Конференция материаллари тўплами II қисм. Самарқанд-2012.

16. Ҳ.Б. Ниёзов Н.Ш., Давлатов, Р.Ж.Муллажонов. Қорақўл кўйлар оёқлари дистал бўғимларида сурункали асептик яллиғланишлар ва уларни даволаш. Қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни жорий қилиш муаммолари Конференция материаллари тўплами II қисм. Самарқанд-2012.

17. Ҳ.Ниёзов, Х.Эшқувватов, Д.Рахимов, М.Шаропов. Хориждан келтирилган махсулдор қорамолларда бармоқ бўғими ва туёқ касалликлари, уларнинг этиопатогенизи ва клиник белгилари. Зооветеринария. Тошкент 2012 № 5-6. 16 бет.

20. Ҳ.Ниёзов, Н.Давлатов, Д.Жураев. Отлар оёқлари дистал бўғимларида сурункали асептик яллиғланишлар ва уларни даволаш. Зооветеринария, Тошкент 2012 № 4. 14 бет.

21. Ҳ.Ниёзов, Д.Жураев, М.Юлдошева. Спорт отларида бўғимларнинг йирингсиз яллиғланишлари ва уларнинг этиопатогенези. Агро илм. Тошкент 2012 № 2, 46 бет.

22. Ҳ.Ниёзов, Д.Жураев, У.Файзиев. Отларнинг бўғим касалликларини даволаш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Тошкент 2012 № 9 . 35 бет.

23. Ҳ.Ниёзов, М.Каримов. Спорт отларида бўғимларнинг асептик яллиғланиш-ларида улар қонининг иммунобиологик кўрсаткичлари. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда инновацион технологияларнинг роли. Самарқанд 2012. 152 бет.

24. Ҳ.Б. Ниёзов, М.Г. Каримов, С. Абдиев. Отларда бўғимларнинг сурункали асептик яллиғланишлари ва қоннинг гематологик кўрсаткичлари.

30.М.Ҳамидов, Ҳ.Б. Ниёзов, М.Исаев Сигирларда туёқ касалликларини келтириб чиқарадиган экологик омиллар. Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари. Иқтидорли талаба ва магистрантларнинг “Обод турмуш йили”га бағишланган илмий конференцияси материаллари тўплами. 1-қисм. Самарқанд 2013. 87 бет.

31. Х.Қувватов, Ҳ.Б. Ниёзов Итларда йирингли яллиғланган жароҳатларни даволаш. Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари. Иқтидорли талаба ва магистрантларнинг “Обод турмуш йили”га бағишланган илмий конференцияси материаллари тўплами. 1-қисм. Самарқанд 2013. 92 бет.

34. А.Сапаров, Н.Б. Дилмуродов, Ҳ.Б. Ниёзов. Отларда бўғимнинг асептик яллиғланиш-ларининг этиологияси. Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари. Иқтидорли

талаба ва магистрантларнинг “Обод турмуш йили”га бағишланган илмий конференцияси материаллари тўплами. 1-қисм. Самарқанд 2013. 116 бет.

35. О.Ачилов, Н.Б. Дилмуродов, Ҳ.Б. Ниёзов Қорамолларда йирингли артритлар этиопатогенези ва патоморфологияси. Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари. Иқтидорли талаба ва магистрантларнинг “Обод турмуш йили”га бағишланган илмий конференцияси материаллари тўплами. 1-қисм. Самарқанд 2013. 119 бет.

36. Т.Т. Хатамов, Н.О.Фармонов, Ҳ.Б. Ниёзов Қорамоллар бўғимларида йирингли яллиғланишлар. Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари. Иқтидорли талаба ва магистрантларнинг “Обод турмуш йили”га бағишланган илмий конференцияси материаллари тўплами. 1-қисм. Самарқанд 2013. 148 Бет.

37. Ш.Бабаева, Ҳ.Б. Ниёзов Қуёнлар организмига кичик частотали неон-гелий лазер ва ультрабинафша нурларининг таъсири. Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари. Иқтидорли талаба ва магистрантларнинг “Обод турмуш йили”га бағишланган илмий конференцияси материаллари тўплами. 1-қисм. Самарқанд 2013. 154 бет.

38. Ш.Бабаева, Ҳ.Б. Ниёзов Кичик частотали неон-гелий лазер ва ультрабинафша нурларининг биообъектларга таъсири. Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари. Иқтидорли талаба ва магистрантларнинг “Обод

22.И.С.Панько, В.И.Издепский и др. Профилактика травматизма крупного рогатого скота // Ветеринария. – 1990. – С.58-60

23.М.В.Плахотин Задача ветеринарной хирургии в промышленном животноводстве // Ветеринария. – 1992. - №11. – С.83-84

24.М.В.Плахотин, А.Д.Белов, А.В.Есютин и др. Общая ветеринарная хирургия – Москва Колос 1981. – 415 с.

25. Б.С.Семенов Роль синовиальных ямок в диагностической сценке изменений сставного хряща при артритах тарзального сустава у крупного рогатого скота //Материалы всесоюзного межвузовской конференции по вопросам ветеринарной хирургии – Ленинград, 1981. – 308-318 с.
26. К.И.Шакалов Болезни конечностей сельскохозяйственных животных, профилактика и лечение // Материалы всесоюзной межвузовской конференции по вопросам ветеринарной хирургии. – Ленинград, 1987. – С.313-316
27. К.И.Шакалов Профилактика травматизма сельскохозяйственных животных в промышленных комплексах – Ленинград Колос, 1981. – 184
- Веремей Э. И. Этиопатогенез и современные подходы к лечению гнойно-некротических процессов в области копытцев и пальцев у КРС (Текст)
- 28./ Э.И.Веремей, В.А.Журба, В.А. Лапина // Ветеринарный консультант, 2003. -№ 16. – С.10-11.
29. Молоканов В.А. прогнозирование и профилактика болезней копытцев у коров (Текст) / В.А.Молоканов, В.М.Щеглов, М.Т.Байкенов // Ветеринария, 2001. -№7.-С.38-40
30. Улимбашев М. Б. Резистентность к болезням конечностей и биофизическая характеристика копытцевого рога коров (Текст) / Ветеринария, 2007. -№ 9. – С. 44.
31. Панько И.С. деформация копытцев у высокопродуктивных коров (Текст) / И.С.Панько, В. А. Лукьяновский с соавт. // Ветеринарных консультант, 2003. №2-10
32. Корис А.В. Лазерное излучение для профилактики исследований заболеваний у овец // Ветеринария. – 1990.
33. Попов С. Влияние мацона на обмен веществ коров и первотелок // Молочное и мясное скотоводство. - 2000. - №2. -С.30-31.

39. <http://www.helvet.ru/animal/horse/first.php>http://www.littlepuppy.ru/khirurgi_cheskoe-lechenie-boleznej-sustavov
40. <http://www.bayeranimalhealth.ru/scripts/pages/ru/library/cattle/arthritis/index.php>
41. <http://www.zooprice.com/articles/detail.php?ID=450406>
42. <http://sudarrb.com/old/vet/opornodvigat.htm><http://mpoconstructora.com/?paged=13>
43. <http://hardgainer.ru/hard2.view6.page4.html>
44. http://www.moszoovet.ru/article/horse_diseases.html
45. <http://webmvc.com/bolezn/livestock/surgeon/arthras.php>
46. <http://www.horsesandpeople.svoi.info/vetAB.html>
47. <http://www.allvet.ru/articles/article86.php>
48. <http://www.loshadi.ru/cgi-bin/maine.cgi?page=eqarty&link=00009K:0011HV>
49. <http://www.koni-travi.ru/articles/index.php?article=2028>
50. <http://zookiss.prom.ua/p1005111-krem-balzam-dlya.html>
51. http://infox.ru/03/alternative/2010/06/27/Pchyelyy_lyechat_ot_.phtml

8. ИЛОВА







9. ИНТЕРНЕТ МАЪЛУМОТЛАРИ

Полноценная регенерация ткани, наблюдаемая обычно после применения ТРАВМАТИНА, завершается спонтанно, через несколько дней после окончания лечения. Особое внимание следует обратить на тот факт, что использование противомикробных препаратов обычно замедляет процесс регенерации, поэтому применение антибиотиков и антисептических мазей при раневых процессах не целесообразно, а на стадии формирования абсцесса – противопоказано.

В дополнение к гомеопатическому лечению травм желательно применять только те меры, которые ускоряют процесс заживления и тем самым улучшают прогноз. Например, открытые раны следует очищать от инородных частиц, от мертвых фрагментов тканей, а также использовать, при необходимости, хирургический дренаж. При открытых ранах, для усиления эффекта и ускорения образования грануляционной ткани, полезно инъекционную терапию сочетать с местным применением ТРАВМА-геля. Гель наносится на раневую поверхность тонким слоем 1-2 раза в день.

Воспаление вследствие перенапряжения тканей: этот вид патологий (растяжение и разрыв сухожилий, бурсит, синовит, артрит, миозит и миопатии, вызванные физическими перегрузками) характерен для спортивных лошадей и также эффективно может контролироваться с помощью препаратов ТРАВМАТИН и ТРАВМА-гель.

ТРАВМАТИН при этих состояниях назначается в виде подкожных или внутримышечных инъекций ежедневно (острый синовит, тендовагинит, артрит) или 1-3 раза в неделю (бурсит, хронический миозит). При острых процессах инъекционную терапию рекомендуется сочетать с местным применением ТРАВМА-геля, который втирается в воспаленный очаг 1-2 раза в день до исчезновения боли и отека. Это ускоряет выздоровление и профилактирует развитие хронического заболевания. ТРАВМА-гель и ХОНДРО-гель применяются наружно при травмах

любого генеза и воспалительном процессе. В связи с этим отпадает необходимость проводить частые, порой сложные в техническом отношении процедуры (например, пункции суставов), а эффективность лечения при этом не снижается.

Большой опыт применения гомеопатической терапии в спортивном коневодстве расширил возможности ветеринарных врачей и, прежде всего, при лечении костно-хрящевых патологий.

<http://www.helvet.ru/animal/horse/first.php>

Приобретенные болезни суставов рассмотрим в соответствии с классификацией К.И.Шакалова:

Первая группа болезней суставов:

1. Ушибы легкой степени не требуют оперативного лечения. Должна проводиться консервативная терапия для предотвращения, а затем лечения возникающего асептического воспаления. В случаях разрыва связок или перелома суставных концов костей могут потребоваться и различные восстанавливающие или стабилизирующие операции.

2. Растяжение представляет собой разрыв части или всех волокон, образующих связки сустава. При легкой травме может возникнуть артрит, в случае анатомического разрыва необходимо восстановление стабильности сустава. Необходимо отметить, что в собак неоправданно часто ставится диагноз "растяжение сустава" в случаях длительно наблюдавшейся хромоты. Как таковое растяжение сустава не требует лечения, и хромота проходит в течение ближайших дней. Если же животное хромает несколько недель, то можно предполагать разрыв связок и повреждение других внутрисуставных структур. Наиболее часто у собак наблюдается разрыв передней крестообразной связки в коленном суставе. Реже разрываются связки запястного и скакательного суставов. Связки локтевого и тазобедренного суставов рвутся в результате вывиха. Для восстановления наиболее часто повреждаемой крестообразной связки предложено множество способов протезирования собственными тканями либо синтетическими материалами. В связи с тем, что разрыв данной связки не является результатом травмы в полной мере, протез, подвергаясь действию тех же сил, которые привели к разрыву естественной связки, часто со временем разрывается и проблема возобновляется. Появившийся относительно недавно способ стабилизации путем перераспределения нагрузки на другие связки коленного сустава путем угловой остеотомии костей голени мы считаем излишне травматичным вмешательством. В нашей клинике разработана и применяется операция стабилизации коленного сустава перемещением двуглавой и портняжной мышц. В связи с тем, что передняя крестообразная связка анатомически не восстанавливается, проблема в дальнейшем не может возобновиться. При разрыве связок других суставов производится их протезирование либо артродез поврежденного сустава.

